


Р. ТАЛИПОВА

**ПРАКТИЧЕСКАЯ
ГРАММАТИКА
РУССКОГО ЯЗЫКА**



САМОУЧИТЕЛЬ



Р.Толипова

**РУС ТИЛИНИНГ АМАЛИЙ
ГРАММАТИКАСИ**
**Мустақил ўрганувчилар
учун**

Тошкент
«CHASHMA PRINT»
2012

Ушбу қўлланма 2009 йилда чоп этилган «Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий курси» номли китобнинг қайта ишланган ва тўлдирилган вариантыдир.

Барча машқларнинг калити мавжудлигини ҳисобга олиб, қўлланмадан тилни мустақил ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Масъул муҳаррир: Х. М. Назруллаева
филология фанлари номзоди

Тақризчилар: Э.Умаров,
филология фанлари доктори
Г. Ғофурова,
филология фанлари доктори

ISBN 978-9943-350-18-2

© Талипова Р.Т., 2012
© «ChashmaPrint» МСНҲ, 2012

Сўз боши

Жаҳон халқлари ўртасида энг янги ахборот алмашуви воситаси сифатида қабул қилинган 6 та жаҳон тилларининг бири бўлган рус тилини ўрганишга эҳтиёж кун сайин ошмоқда. Шу боис бу тилни иккинчи тил сифатида ўрганиш методикасини такомиллаштиришда энг янги усул ва воситалардан фойдаланиш долзарб муаммолардан бирига айланди.

Ана шундай муаммолардан бири — замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда бу тилни мустақил равишда ўрганиш воситалари ва йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборатдир.

Ушбу қўлланма рус тилини ўзлаштиришда ўзларининг билими ва нутқий кўникмаларидаги камчиликларни тўлдириш ниятида бўлган ўзбекзабон тил ўрганувчиларга мўлжалланган.

Грамматик шакллар ҳақидаги маълумотлар ўзбек тилида тушунтирилган ва кирилл ёзувида ёзиб кўрсатилган.

Мазкур қўлланмада рус тилининг барча сатҳлари (фонетика, лексикология, морфология, синтаксис кабилар) бўйича ўзбек тилидан фарқланувчи ва ўзбекзабон тил ўрганувчиларда қийинчилик туғдирувчи асосий грамматик воситалар қамраб олинган.

Қўлланмада рус тилидаги тингланган ва ўқилган матнни тушуниш ҳамда ўз фикрини рус тили қонун-қоидаларига мос равишда оғзаки ва ёзма тарзда баён этишга ўргатиш мақсад қилиб олинган. Тегишли грамматик маълумотлар жадвалларда берилган.

Нутқий билим ва кўникмалар ўзбекзабон тил ўрганувчининг онгида аввал ўзбек тилидаги нутқий қолиплар тарзида шаклланишини ҳисобга олиб, ўзбек тилидаги ҳар бир нутқий бирликнинг рус тили қонун-қоидаларига мос равишда тузилган муқобил шакллари кўрсатилган.

Ҳар бир тил материални нутқда қўллаш кўникма ва малакаларни шакллантиришга мўлжалланган машқлар

топшириқлари ўзбек тилида берилган.

Материалларнинг ҳар бири муайян мазмунни ифодалашга йўналтирилганлиги сабабли мавзуларнинг кўпчилиги маъновий (семантик) нуқтаи назардан келиб чиқиб номланган. Масалан, “Тасвир ва таъриф”, “Миқдор”, “Муддат” ва ҳоказолар. Ушбу мавзулар қаторига рус тили грамматикаси тизимида алоҳида номланмаган “Тахминий ўлчов”, “Санани ифодалаш”, “Ёшни ифодалаш” кабилар ҳам киради. Шу билан бирга, рус тилидаги нутқий ифода шакллари ўзбек тилидан кескин фарқланадиган «Феъл», «Сифатдош», «Рашишдош» каби соф грамматик мавзулар ҳам берилган.

Кўлланманинг илова қисмида рус тилидаги «Муомала одоби», «Турланмайдиган отлар», «Ўрин-жойни ифодаловчи сўзлар», «Тусланиши алоҳида шаклларга эга бўлган феъллар», «Айрим феълларнинг тусланишдаги ўзгаришлари» каби мавзулар бўйича материаллар ҳамда барча машқларнинг калитлари ҳам берилган.

Кўлланмага, шунингдек, рус тили грамматикаси бўйича 20 та семантик-грамматик жадвал ҳам илова қилинган (уларнинг 4 таси фонетикага, 12 таси морфологияга, 4 таси синтаксисга оид).

Муаллиф

Ф О Н Е Т И К А

У Р Ф У (Ударение)

Рус тилини ўзлаштиришнинг асосий қийинчиликларидан бири сўзларда урғунинг ўзгарувчанлиги ва бир сўзнинг шакли ўзгариши билан урғунинг бошқа бўғинларга кўчиши, яъни урғунинг барқарор эмаслигидир.

Агар ўзбек тилида урғу асосан сўзларнинг охиридаги унлига тушса, рус тилида урғу турли бўғинларда бўлиши мумкин.

Масалан: *дОм* — *уй*
домА — *уйлар*
дОма — *уйда*.

Баъзида бир сўзнинг турли бўғиндаги урғули вариантлари ҳар хил маънони англатади.

Масалан: *мука* — *ун* *мука* — *азоб*
замОк — *қулф* *зАмок* — *қаср*
хлопОк — *қарсак* *хлОпок* — *пахта*.

Айрим ҳолларда бир сўзнинг турли урғули шакллари бошқа сўзни эмас, балки шу сўзнинг бошқа грамматик шаклини англатади. Масалан:

зеркала — *ойналар* *зЕркала* — *ойнанинг*
Окна — *деразалар* *окна* — *деразанинг*.

1-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилиб, улардаги урғу қайси бўғинда эканлигини кўрсатинг ҳамда сўзларнинг таржимасини лугатга қараб аниқланг.

гОрод — города — городскОй
бЕлый — беловАтый — белИть
голова — гОловы — головАстик
земля — земЕльный — приземлИться
ночь — ночнОй — ночевАть.

Эслатма: урғули унлилар катта қилиб кўрсатилган.

2-машқ. Берилган сўзларга қавс ичидан мосини топиб сўз бирикмалари тузинг. Уларни таржима қилинг.

Намуна: *руки* – *руки* (*пальцы, мои*) – *мои руки* (*менинг қўлларим*), *пальцы руки* (*қўлнинг бармоқлари*).

города	–	города	(около, большие)
Окна	–	окна	(большие, у)
гоЛовы	–	головЫ	(умные, часть)
ноГи	–	ногИ	(чистые, размер)
двЕри	–	дверИ	(наши, ручка)
морЯ	–	морЯ	(берег, северные).

Рус тилида шундай сўзлар ҳам учрайдики, уларнинг бош шакллари (масалан, феълнинг ноаниқ шакли) эмас, бошқа грамматик шакллари бир хил, лекин маъноси турлича бўлиб, улар фақат урғули бўғин билан фарқланадилар.

Масалан:

<i>платИть</i>	–	<i>тўламоқ</i>	<i>плачу</i>	–	<i>тўлаяпман</i>
<i>плАкать</i>	–	<i>йиғламоқ</i>	<i>плачу</i>	–	<i>йиғлаяпман.</i>

3-машқ. Қуйидаги сўзларнинг таржимасини луғатдан топинг.

хлоПок	–	хлопОк
муКА	–	муКа
рассыпАть	–	рассЫпать
дорогОй	–	дорОгой
стОит	–	стоИт
ужЕ	–	Уже

Баъзи сўзларда шаклдошлик асосан талаффузда бўлиб, ёзувда фарқ бўлмайди. Баъзи сўзларнинг турли урғули варианты бошқа-бошқа маънони англатади.

Масалан: *дорога* (*қиммат*) – *дорога* (*йўл*)
вЕсти (*хабарлар*) – *вЕсти* (*бошлаб бормоқ*).

4-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилиб, ҳар

бирига маълумот учун берилган сўзлардан мосини топиб, сўз бирикмалари тузинг ва уларни таржима қилинг.

дорогА	—	дорОга
вЕсти	—	вестИ
семьЯ	—	сЕмя
дОводы	—	до водЫ.

Маълумот учун сўзлар: продАть, ширОкая, хорОшие, зА руку, брАта, травЫ, вЕские, довестИ.

Урғусиз унлиларнинг талаффузи (Произношение безударных гласных)

Рус тилидаги ҳар бир сўзнинг урғусини тўғри ўзлаштириш зарурлигининг боиси шундаки, деярли барча сўзларда О, Е ва Я унлиларининг урғусиз ҳолатида уларнинг талаффузи ўзгаради. Нотўғри талаффуз эса сўзнинг нотўғри тушунилиши ва хато ёзилишига сабаб бўлади.

Урғусиз О

Рус тилидаги **урғусиз О унлиси** (безударный О) барча сўзларда А ёки қисқа А шаклида талаффуз этилади ёки деярли талаффуз этилмайди.

Масалан: она (ana), твоЯ (tvaya), окнО (akno), дорОга (daroga), потолок (patalok), ходИть (xadit'), говорИть (gavarit), сохрАнить (saxranit'), довестИ (davesti), собрАние (sabraniye).

МолокО (malako), дЕвочка (dev^chka), кАртОчка (kart^chka), городскОй (garadtskoy), тротуАр (tr^tuar), молодОй (m^lado`y), водопровОд (vadapravot), чЁрточка (cho`rt^chka) ва ҳоказо.

Эслатма: ^ жуда қисқа талаффуз,

5-машқ. Берилган сўзларни тўғри ўқинг ва уларнинг талаффузини ўзбек тилида (лотин алифбосида) ёзиб кўрсатинг.

НогА, голова, дЕло, котЁнок, самостояТельно, самообразовАние, отделЕние, дополнЕние, собрАние, хорошО, добродУшный, вЕрно.

Сўзларда А деб талаффуз қилинган урғусиз

бўгинларнинг қайси бирида О ёзилишини билиш учун шундай бўгинли сўзларнинг урғусиз бўгинига урғу тушадиган вариантыни топиш керак. Кўп сўзларнинг бундай варианты бир бўгинли бўлади.

Масалан: *дом, домовОй, домА, домАиный*
окнО, окОнный, окОшка, Окна
гОрод, городскОй, города.

-очк, -онок, -ёнок каби суффиксли сўзлардаги урғусиз О унлисижуда қисқа А деб ўқилади ёки деярли ўқилмайди.

Масалан: *дЕвочка(dev^chka), котЁнок(katyon^k),*
мышОнок(mishon^k).

6-машқ. Берилган сўзларни тўғри талаффуз қилинг ва уларнинг талаффузини лотин алифбосида ёзиб кўрсатинг.

Фотокарточка	лисЁнок
ФОРточка	козлЁнок
ЛЕночка	цыплЁнок
ВОвочка	волчОнок
ЛАпочка	котЁнок.

Урғусиз Е

Рус тилидаги барча сўзларда Е унлиси урғусиз ҳолатда И ёки Ёи тарзида талаффуз этилади. Урғусиз Е сўз бошида, унлидан ёки ъ, ь дан кейин келса – Ёи, сўз ўртасида ундошдан кейин келса И тарзида талаффуз қилинади.

Масалан: *ежеднЕвно (yijidnevna), ежевИка (yijivika),*
дЕрево (deriva), средА (srida), ученИк (uchinik), учИтельница
(uchitilnitsa), медвЕдь (midved').

7-машқ. Қуйидаги Е ўрнига И деб ўқиладиган сўзларни бир устунга, Ёи деб ўқиладиган сўзларни иккинчи устунга ажратиб ёзинг.

ВодИтель, пешехОд, велосипЕд, резИна, тетрАдъ,
вЕчер, землЯ, черепАха, насекомое, пчелА, цветЫ, ведрО,
ежеОдно, деревЯный, ежеднЕвно, ежемЕсячно, ЕгОр,
едИный.

Аммо сўз охирида, айниқса, **-ые, -ее, -ие, -ье** каби қўшимчалардаги урғусиз Е юқоридаги қоидадан истисно равишда Е деб талаффуз қилинади.

Масалан: *здАние (zdaniye), упражнЕние (uprajneniye), домАшнее (domashneye), свЕжее (svejeje), медвЕжье (midveje), воскресЕнье (vaskresenje)* ва ҳоказо.

8-машқ. Қуйидаги сўзларни ўқиб, уларнинг талаффузини лотин алифбосида ёзиб кўрсатинг.

СобрАние, домАшнее, клАссное, нОвое, жЁлтое, бумАжное, змеевИк, насекОмое, ежеднЕвное, крУпное, красИвое, лУчшее, дАльнее, быстрЕе.

9-машқ. Қуйидаги сўзларни икки устунга ажратиб ёзинг.

1-устунга ўзгарадиган Е мавжуд бўлган, 2- устунга ўзгармайдиган Е мавжуд бўлган сўзларни ёзинг.

ВарЕнье, чИстое, грЯзное, красИвое, объектИвно, субъектИвно, директИвы, показАтель, желЕзный, виднЕйшее, лОсьего, вОлчьего, твоегО.

Урғусиз Е мавжуд бўлган сўзларнинг ҳар бирига ўзакдош бўлган бир қатор сўзларнинг ичида урғусиз бўғинга урғу тушадиганлари ҳам учрайди. Айни сўзни эслаб қолиб, бу сўз орқали ўзакдош сўзларнинг барчасида ушбу ҳарф мавжудлигини билиб олиб, сўзлар имлосини эслаб қолиш керак.

Масалан:

лес – леснОй – лесА

побЕда – победИтель – побеждАть – побеждЁнный.

серЁдка – середИна – посередИне

дЕрево – деревЯнный – дерЕвья.

Аммо уядош сўзлардан урғули бўғинлигини танлашда шаклан ўхшаш, аммо мазмунан бошқа сўз олинмаслиги керак бўлади.

Масалан: *прЕмник (voris) – прЕмство*

(vorislik)

приЁмник (приёмник) – приЁм (қабул) – приниМАть (қабул

қилмоқ).

10-машқ. Луғавий маъносига қараб, ҳар бир сўз учун қавс ичидан мосини танлаб сўз бирикмалари тузинг ва уларни ўзбек тилига таржима қилинг.

Намуна: *принимать, перенимать (опыт, решение) – принимать решение, перенимать опыт.*

Посидеть, поседеть (за три года, час - другой).

Весить, висеть (10 кг, на верёвке).

Приступить, переступить (закон, к работе).

Представить, приставить (документ, стул).

Прибежать, перебежать (дорогу, вовремя).

Асосида Е ёки И унлиси бўлган бўгин, шунингдек, *при-ёки пере-* олд қўшимчалари билан фарқланувчи феълларнинг маъноси турлича бўлади. Феълларни тўғри қўллаш учун уларнинг маъносидаги фарқни билиш керак.

11-машқ. Қуйидаги сўзларнинг таржимасини луғатдан топиб, уларни тўғри ўқинг.

ПовЕсИть, повИсЕть, придЕлать, передЕлать, приглАдИть, переглАдИть, прИсмотрЕть, пересмотрЕть, прИйтИ, перейтИ, прИвязАть, перевязАть, перевестИ, прИвестИ, прИнимАть, перенИмАть.

Урғусиз Я

Рус тилидаги барча сўзларда **урғусиз Я** (безударный Я) худди урғусиз Е каби, сўз бошида ҳамда унлилар ёки **ъ, ь** дан кейин **И**и деб, ундошлардан сўнг эса **И** деб талаффуз қилинади.

Масалан: *ЯнОния (yironiya), яйцО (yiytso), ядрО (yidrO), янтарь (yintAr), пояснИца (paysnitsa), нАмятник (ramitnik), лЯгУшка (ligushka), семьянин (simyinin).*

Ушбу қоида **ъ** ёки **ь** билан ажралиб турувчи қўшимчалардан сўнг келган **я** ҳарфига ҳам тааллуқлидир.

Масалан: *объявление (Abyivleniye), объяснЕНИЕ (abyisneniye).*

Аммо урғусиз орқа қўшимчаларнинг деярли барча турларидаги **Я** нинг талаффузи бундан мустаснодир.

Масалан: *стУлья (stulya), брАтья (bratya), лИния (liniya), АрмИя (armiya).*

12-машқ. Сўзларни тўғри талаффуз қилиб ўқинг ва талаффузини лотин алифбосида ёзинг.

ЯдрО, яИчко, явлЕНИЕ, явИться, пятнАдцать, пятьде-
сят, пятьсОт, тЫсяча, объяснЕНИЕ, колОсья, семьянИн,
врЕмя, фамИлия, тЁтя, дЯдя, тянУть.

Ургусиз бўгиндаги Я эканлигини аниқлаб, сўзларни тўғри ёзиш учун уядош ва маънодош сўзларнинг ичидан айни шу бўгинга ургу тушадиган вариантни топиш керак. Бунинг учун ургусиз Я мавжуд бўлган сўзларнинг уядошларини билиш зарур.

Масалан: *пять — пятьдесят — пятьсот*
свято — святОй — посвятИть
Яйца — яйцО — яИчный — яИчко.

13-машқ. Куйидаги сўзларни уяларига қараб уч устунга ажратиб ёзинг ва тўғри талаффуз қилиб ўқинг. Аммо уядош сўзлардан ургули бўгинлигини танлашда шаклан ўхшаш, аммо мазмунан бошқа сўзлар олинмаслиги керак бўлади.

Появление, мЕсяц, дЕятельность, дЕятель, Явный, мЕсячный, явИться, полумЕсяц, помЕсячно, вЫявить, дЕятельный, явлЕНИЕ.

14-машқ. Қавс ичидан жуфтликнинг ҳар бир сўзига мос бўлган сўзни топиб, сўз бирикмалари тузинг ва уларни таржима қилинг.

ПосвятИть, осветИть. (фонарём, празднику)
пятнИстый, пЯтничная (олень, газета)
помЕряться, помирИться (силами, с другом)
объявлЕНИЕ, объяснЕНИЕ (дать, услышать)
проявлЕНИЕ, появлЕНИЕ (дружбы, ошибок).

15-машқ. Куйидаги сўзларнинг талаффузини лотин ҳарфлари билан ёзиб кўрсатинг.

СИняя, свЕжая, вкУсная, дАльная, семья, врЕмя, знАмя, лЕКция, здАние, предложЕНИЕ, дополнЕНИЕ.

16-машқ. Талаффуз қоидаларига риоя этган ҳолда матнда ажратиб кўрсатилган сўзлар талаффузини лотин ҳарфлари билан ёзинг.

Изучать второй язык *нетрудно. Для этого нужно только*

желание, терпение, стремление, постоянные упражнения и тренировка. Учить надо понемногу: всего один-два часа в день, но регулярно.

17-машқ. Ота-онангиз, қариндош-уруғларингиз ва яқин дўстларингиз исмини ва фамилиясини рус тилида тўғри ёзиб, уларнинг талаффузини қавс ичида лотин ҳарфлари билан ёзиб кўрсатинг.

Намуна: *Ҳамидова Сайёра (Hamidova Sayyora), Алиев Ёдгор (Aliyev Yodgor).*

Э с л а т м а: ўзбек исmlарининг русча талаффузида фақат урғули бўғин жойи ўзгариши мумкин.

Рус тилининг хусусиятларидан бири шундаки, унда барча кўмакчи ва олд қўшимчалар сўзга қўшиб ўқилади. Шу боис *о, до, про, подо, передо* каби таркибида *О* ҳарфи бўлган кўмакчилардаги *О* ҳарфи *А* деб ўқилади.

Масалан: обо мне (*abamne*), о тебе (*atibe*), о друзьЯх (*adruzyax*), до конца (*dakontsa*), до дома (*dadoma*), подо мной (*padamnoy*).

Худди шу қоида таркибида *Е* ҳарфи бўлган *среди, перед, без, между* каби кўмакчили сўзларга ҳам шунингдек, таркибида *не* юкламаси бўлган сўзларга ҳам тааллуқлидир.

Масалан: *среди зОр (sridigor), среди нАс (sridinas), перед вами (piridvami), передо мНОй (piridamnoy), между домАми (mijdudatami), между дерЕвьями (mijdudirevyami), не обо мНЕ (niabamne), не с друзьЯми (nizdruzyami).*

18-машқ. Қуйидаги кўмакчи ва юкламали сўзларни тўғри ўқинг ҳамда уларнинг талаффузини қавс ичида лотин ҳарфлар билан кўрсатинг.

По дорОге, под Этим, под шкафОм, до вАс, до менЯ, до кинотеАтра, до концА, перед экзАменами, Около нас, среди кнИг.

Ушбу қоида, яъни урғусиз О унлисини А деб, Е унлисини И деб ўқиш бу унлиларнинг қўшма сўзлар таркибида қўлланишида ҳам амал қилади.

Масалан: *телевИдение (tilividiniye), водопровОд (vadaprovod), кнИготорговля (knigatargovlya), самосвАл (samasval).*

19-машқ. Қўйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилиб ўқинг ва уларнинг талаффузини лотин ёзувида ёзинг.

СамолЁт, пешехОд, телерепортАж, фотоснИмок, фотогрАфия, аэроклУб, самокАт, грузоподъЁмник, домовОдство, домохозЯйка, делопроизвОдство.

20-машқ. Нуқталар ўрнига керакли ҳарфларни қўйиб кўчиринг. Бу сўзларни тўғри ўқинг ва қавс ичида талаффузини ёзиб кўрсатинг.

Вод..канАл, электр..прибОр, мяс..рУбка, пыл..сОс, сам..вАр, лед..кОл, фот..снИмок, сам..свАл, электр..плИтка, дом..вОдство, тел..канАл, тел..репортАж, тел..стУдия.

Ундошларнинг жарангсизланиши (Оглушение согласных)

Рус тилида, худди ўзбек тилидагидек, сўзларда *к, п, с, т, ф, ш* жарангсиз товушлардан олдин келадиган *б, в, г, д, ж, з* жарангли товушлар жарангсизлашади.

Масалан: *везтИ (vesti), вОдка (vodka).*

Бу қоида жарангли ундош билан тугайдиган *под, перед, из, над, об* каби жарангли товушлар билан тугайдиган кўмакчилар ҳамда *в-, из-, под-, пред-* каби олд кўшимчаларга ҳам тааллуқлидир.

Масалан: *в шкОлу (f shkolu), в клАссе (f klassi), под кнИгой (patknigay), перед сАдом (piritsadam), над самолЁтом (natsamalyotom).*

Рус тилида ҳам, ўзбек тилидаги каби, сўзларнинг охиридаги жарангли ундош жарангсизлашади.

Масалан: *зуб (zur), дуб (dup), грип (grip), город (gorot), нож (nosh), глаз (glas).*

Бундай сўзларни ёзишда хато қилмаслик учун

уларнинг қўшимча қўшилган шаклларини топиб, текшириб кўриш керак.

Масалан: *зуб – зУбы, дуб – дубОвый, гриб – грибЫ, сад – садЫ, нож – ножИ.*

21-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилиб ўқинг ва талаффузини қавс ичида (лотин алифбосида) ёзиб кўрсатинг.

Куб, лоб, грудь, морОз, хОлод, снег, гОрод, плОщадь, шаг, муж, перед тобОй, над шкОлой, в тетрАдъ, в пАпке, вклАдывать, вписАть, подтолкнУть, подписАть.

22-машқ. Атрофингиздаги буюмлар, идиш-товоқ, кийим-кечак ва табиат ҳодисалари номларидан жарангсизланган ундошлиларини топиб ёзинг ва уларни тўғри талаффуз қилиб ўқинг.

23-машқ. Лугатдан таркибида жарангсизланган ундош мавжуд бўлган феълларни топиб ёзинг ва қавс ичида уларнинг талаффузини ёзиб кўрсатинг.

Ундошларнинг жаранглиланиши (Озвончание согласных звуков)

Ўзбек тилидаги каби, рус тилидаги сўзларда жарангсиз ундошларнинг жаранглиланиш ҳодисаси ҳам мавжуд. Бунда ҳам жарангли *б, г, д, з, ж* ундошлари олдида келган жарангсиз ундош жарангли талаффуз қилинади.

Масалан: *сдача (zdacha), сдать (zdat'), вокзал (vagzal), сзади (zzadi), с газетой (zgazetoy), сбивать (zbivat'), слезить (zglazit'), с девочкой (zdevachkoy).*

Э с л а т м а: бошқа жарангли товушлардан фарқли равишда жарангли *в* ундошидан олдин келган жарангсиз товуш жарангсизлашмайди.

Масалан: *шквал (shkval), подтвердить (podtverdit').*

24-машқ. Қуйидаги сўзларни икки устунга ажратиб ёзинг. Биринчи устунга жарангланадиган, иккинчи устунга эса жаранглилашмайдиган ундошли сўзларни ёзиб, уларни тўғри талаффуз қилиб ўқинг ва сўзларнинг талаффузини ёзиб кўрсатинг.

Сжечь, сжигАть, гвАрдия, свеча, сдвИнуть, твЁрдый, свАдьба, с женОй, с другОм, стгорячА, с испУгу, с годАми.

25-машқ. Юқоридаги машқда биринчи устунга олинган сўзларнинг талаффузини қавс ичида кўрсатинг. Урғусиз *о*, *е* ва *я* лар талаффузига ҳам эътибор беринг.

26-машқ. Лугатдан таркибида жаранглилашмайдиган товушлар мавжуд бўлган 20 та сўз ёзиб олинг, қавс ичида уларнинг талаффузини ёзиб чиқинг.

Рус тилидаги сўзларни талаффуз қилишда, шунингдек, ундошларнинг алмашуви ва тушиб қолиш ҳодисалари ҳам мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир.

1. *-ого*, *-его* қўшимчаларидаги *г* ҳарфи *в* деб ўқилади ҳамда урғусиз *о* талаффуз қоидасига кўра *-ова*, *-ева* деб ўқилади.

Масалан: *Нет моего (моуиво) чёрного (chornava) костюма.*

2. *Что (shto)*, *чтоб (shtob)*, *что-то (shto-to)*, *ничто (nishto)*, *нечто (neshto)* сўзларидаги *ч* ҳарф *ш* деб ўқилади ва талаффуз қилинади.

Худди шунингдек, конечно (*kaneshna*), скучно (*skushna*) каби сўзлардаги *ч* ўрнида *ш* ўқилади. Аммо бу қоида бошқа ҳамма *ч* ҳарфли сўзларига тааллуқли эмас.

Масалан: *вечно, точно* каби сўзларда бу қоида қўлланмайди.

27-машқ. Қуйидаги матндаги ҳар бир сўзнинг талаффузини қавс ичида барча талаффуз қоидалари асосида, лотин ҳарфлари билан ёзиб чиқинг.

Чтобы овладеть вторым языком, нужно запомнить все правила произношения слов и научиться со слуха записывать произнесенную речь. Для этого следует запомнить все правила произношения слов.

Сон категорияси (Категория Числа)

Рус тилида, ўзбек тилидагидек, барча ўзгарувчан, яъни турли шаклларда қўлланадиган сўз туркумлари (булар қаторига от, олмош, сифат, сон, феъл, сифатдошлар киради) бирлик ва кўплик сонда қўлланиши мумкин.

Ушбу сўз туркумларининг барчаси от туркумидаги сўз билан сон, келишик ёки шахс-сонда мослашади.

Аммо рус тилида, ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, фақат бирлик сонда ёки фақат кўплик сонда қўлланадиган отлар мавжуд. Уларни билиш зарур, чунки улар билан мослашиб келадиган бошқа туркумдаги сўзлар ҳам фақат бирлик ёки фақат кўплик сонда қўлланади. Масалан, ўзбек тилидаги *қаймоқ* сўзи рус тилига ҳам *сливки*, ҳам *сметана* деб таржима қилинади. Аммо *сметана* сўзи фақат бирликда, *сливки* сўзи эса фақат кўпликда қўлланади. Шунинг учун улар билан мослашиб келадиган сўзларнинг ҳам сон шакли икки хил бўлади. Масалан:

Эта сметана куплена сегодня, она свежая и вкусная.

Эти сливки куплены сегодня. они свежие и вкусные.

Аммо бундай отлар кўп эмас. Отларнинг асосий қисми эса ҳам бирликда, ҳам кўпликда қўлланади.

Кўплик сон (Множественное число)

Отларнинг кўплик сониди асосан тўртта: *-а, -я, -ы, -и* кўшимчалари қўлланади.

Масалан:

<i>стол</i>	—	<i>столЫ</i>
<i>город</i>	—	<i>городА</i>
<i>река</i>	—	<i>реки</i>
<i>Улица</i>	—	<i>Улицы</i>
<i>море</i>	—	<i>морЯ</i>
<i>здание</i>	—	<i>здания</i>
<i>зеркало</i>	—	<i>зеркала.</i>

Аммо *-мя, -онок (-ёнок)* қўшимчали отлар булардан мустаснодир.

Отларнинг кўплик сони ясалишида қўшимчалар сўзларнинг родига қараб қўлланади. Бунда: **мужской** родга тааллуқли сўзларда тўртала қўшимча (*-а, -я, -ы, -и*) қўлланади.

Масалан: *бЕрег — берега*
брАт — брАтья
карандАш — карандашИ
экрАн — экрАны.

Женский роддаги сўзларда фақат *-ы* ва *-и* қўшимчалари қўлланади.

Масалан: *рекА — рЕки*
Улица — Улицы.

Средний родда эса *-а, -я, -и* қўшимчалари қўлланади.

Масалан: *зЕркало — зеркаАла*
Яблоко — Яблоки
здАние — здАния.

Эслатма: қайси род бўлишидан қатъи назар, кўплик сондаги барча сўзларда *г, к, х, ж, ч, ш, щ* ҳарфлардан сўнг *-ы* эмас, фақат *-и* ёзилади. Масалан:

Мужской род: *потолОк — потолокИ, нож — ножИ, сапОг — сапогИ.*

Женский род: *рукА — рУки, вещь — вещьИ.*

Средний род: *Ухо — Уши, Очко — очкИ.*

Отларнинг кўплик сони ясалишида нафақат урғу ўзгариши, балки товуш тушиб қолиши (*лоб — лбы, сон — сны, потолок — потолки, отец — отцы*); товуш алмашиши (*ухо — уши, друг — друзья*) ёки товуш ортиши (*мать — матери, стул — стулья*) каби ҳодисалар учрайди.

Мужской ва средний роддаги сўзларнинг кўплик сондаги *-а, -я* қўшимчасини женский род бирлик сондаги *-а, -я* қўшимчаси билан адаштирмаслик керак.

Женский роддаги *-а, -я* қўшимчали сўзларни мужской ва средний род кўплик сондаги *-а, -я* қўшимчали сўзлардан фарқлаш учун ҳар бир сўзнинг бош луғавий маъносини билиш зарур.

Масалан: *городА* – *гОрод* сўзининг кўплиги;
морЯ – *мОре* сўзининг кўплиги.

28-машқ. Кўплик сонда берилган қуйидаги сўзларни луғат асосида бирлик сондаги шаклига қараб родларга ажратиб, уч устунга ёзинг.

СтолЫ, шкафЫ, дОски, стЕны, потолокИ, двЕри, Окна, пАрты, дерЕвья, плОщади, здАния, машИны, троллЕйбусы, трамвАи, облакА, вЕТры, рЕки, озЁра, морЯ, садЫ, тротуАры, стрОки.

29-машқ. Қуйидаги сўзларнинг кўплик сонини ёзиб чиқинг.

ШкОла, класс, этАж, кОмната, зал, библиотЕка, доклАд, урок, упражнЕние, предложЕние, текст, учЕбник, слОво, язЫк, предмЕт, рассказ, стихотворЕние, поЭт, писАтель, теАтр, концЕрт, артИст, футболИст, боксЁр.

30-машқ. Луғатдан ҳар бир род бўйича 10 тадан от туркумига оид сўз топиб, уларнинг кўплик сонини ёзиб чиқинг.

Юқоридаги умумий қоидадан истисно равишда кўплик сони бошқача ясаладиган сўзлар ҳам мавжуд.

1. Средний родга тааллуқли *-мя* қўшимчали сўзларнинг кўплик сониди *-мя* ўрнига *-ена, (-ёна)* қўшимчаси қўлланади. Масалан: *Имя* – *именА*, *сЕмя* – *семенА*, *знАмя* – *знаМёна*. (Бундай отлар рус тилида бор-йўғи 10 та: *Имя, сЕмя, вЫмя, стрЕмя, врЕмя, тЕмя, знАмя, брЕмя, плаМя, плЕмя*).

2. Жониворларнинг боласини номлашда қўлланадиган *-онок, -ёнок* қўшимчали сўзларнинг кўплигида *-ата, -ята* қўшимчалари қўлланади. Масалан:

<i>ребЁнок</i> – <i>ребЯта</i>	<i>мышОнок</i> – <i>мышАта</i>
<i>котЁнок</i> – <i>котЯта</i>	<i>волчОнок</i> – <i>волчАта</i>
<i>лисЁнок</i> – <i>лисЯта</i>	<i>цыплЁнок</i> – <i>цыплЯта</i> .

3. Баъзи отларнинг кўплик сондаги шакли бирлик сондаги шаклидан фарқ қилади. *ЧеловЕк – люди, ребёнок – дЕти.*

31-машқ. Қуйидаги отларни кўплик сонда ёзинг.

СлонЁнок, львЁнок, телЁнок, козлЁнок, жеребЁнок, орлЁнок, верблужОнок, тигрЁнок, зайчОнок.

Рус тилидаги отларнинг баъзилари фақат бирлик ёки фақат кўплик сонда қўлланишини эслаб қолиб, улар билан мослашадиган бошқа турдаги сўзларга ҳам шу сон қўшимчаларини қўйиш керак.

Масалан: *свежая сметана, наша молодёжь, картошка сварилась* (ед.ч.); *брюки новые, часы остановились* (мн.ч.).

Фақат бирликда қўлланадиган сўзлар қаторига қуйидагилар киради:

1. Озиқ-овқат маҳсулоти номлари: мука, рис...
2. Қазилма бойликлар номлари: золото, нефть, уголь...
3. Мавҳум отлар: дружба, старость, молодость...
4. Фақат ягона бўлган нарсалар номи: солнце, луна...
5. Санаб бўлмайдиган кўплик: листва, космос, воздух...
6. Чет тилларидан ўзлашган баъзи сўзлар: кофе, шоссе, пальто кабилар.

Фақат кўпликда қўлланадиган туркум отлар қаторига қуйидагилар киради:

1. Бўлинмайдиган икки қисмдан иборат нарсалар: брюки, ножницы, щипцы, ворота...
2. Айрим озиқ-овқат маҳсулоти номлари: сливки, макароны, консервы...
3. Айрим модда номлари: духи, чернила...
4. Айрим вақт бирликлари: сутки, каникулы, будни.

Э с л а т м а: Ўзбек тилидаги баъзи озиқ-овқатларнинг рус тилидаги номи фақат кўпликда ёки фақат бирликда қўлланиши мумкин. Масалан, *сметана* – фақат бирликда, *сливки* – фақат кўпликда қўлланади.

32-машқ. Қуйидаги номлардан фақат бирлик сонда қўлланадиганларини бир устунга, фақат кўплик сонда қўлланадиганларини иккинчи устунга ажратиб ёзинг.

Сметана, сани, железо, лыжи, лук, духи, хлопок, коньки, масло, плоскогубцы, человечество, гордость, брюки, дружба, мир, пальто, шоссе, чернила, сливки.

33-машқ. Юқоридаги сўзларнинг ҳар бири билан мослашувчи иккитадан сўз топинг.

Намуна: сметана свежая густая.

Сливки свежие густые.

Мослашув (Согласование)

Рус тилининг мураккаб жиҳатларидан бири шундаки, от билан бирикиб келувчи сифат, сифатдош, олмош, тартиб сон, ўтган замон феълига оид сўзлар гапда от билан мослашади. Аниқроқ қилиб айтганда, сифат, сифатдош, тартиб сон ва олмош туркумига оид сўзлар от билан бирикишида отнинг сони, роди ва келишигига қараб, феъл туркумига оид сўзлар эса сон ва шахсда турли қўшимчалар билан қўлланади.

Масалан: *Мой новый красивый костюм.*

Мои новые красивые туфли.

О моих новых красивых костюмах.

Мослашув қоидаларига кўра от билан мослашиб келган мужской родга оид эгалик олмошларнинг бош келишигида *мой, твой, наш, ваш* сўзлари, айти шу шаклдаги сифат ва сифатдошларга *-ый, -ий, -ой* қўшимчалари қўшилади. Юқоридаги сўзларнинг женский родга оид вариантларида *моя, твоя, наша, ваша* сўзлари ҳамда *-ая, -яя* қўшимчалари, средний родда эса *моё, твоё, ваше наше* ҳамда *-ое, -ее* қўшимчалари қўлланади.

Феъл туркумига оид сўзлар от билан ўтган замонда род

ва сонда, ҳозирги ва келаси замонда эса шахс ва сонда мослашади. Жумладан, ўтган замон феълларининг кўпида мужской род бирлик сонда *-л, (-лся)*, женский родда *-ла (-лась)*, средний родда *-ло (лось)*, кўплик сонда эса, *-ли (-лись)* кўшимчалари қўлланади.

Его, её ва *их* қарашлилиқ олмошлари бундан мустасно бўлиб предметнинг родига қараб эмас, ҳаракат ёки ҳолат эгасининг родига қараб қўлланади. Масалан:

пальто девочки — её пальто

пальто мальчика — его пальто

пальто детей — их пальто

Худди шунингдек, *это* кўрсаткич олмоши барча роддаги сўзларга нисбатан қўлланади. Бу олмошни от билан мослашувчи *этот, эта, это, эти* аниқловчи олмошлардан фарқлаш керак. Масалан:

	<i>наш дом</i>	<i>Этот дом</i>
<i>Это</i>	<i>наша комната</i>	<i>Эта комната</i>
	<i>наше здание</i>	<i>Это здание</i>
	<i>наши улицы</i>	<i>Эти улицы.</i>

Это (бу) кўрсаткич олмошини средний роддаги *это* (шу) белгиловчи олмошдан фарқлаш керак. Масалан:

- *Это твой костюм?* — *Это твоя рубашка?*
- *Нет, это не мой костюм.* — *Нет, это не моя рубашка.*
- *Вот этот костюм мой.* — *Вот эта рубашка моя.*

34-машқ. Қуйидаги сўзларни родига қараб 3 устунга ажратиб ёзинг.

Человек, насекомое, природа, климат, явление, цвет, форма, вкус, предмет, вещь, погода, обувь, бельё, пицца, посуда, здание, город, площадь, улица, дом, адрес, задание, उपражнение, окно, стекло.

35-машқ. Лугатдан ҳар хил родга мансуб 30 та сўз топиб, сўзларнинг ҳар бирига қарашлилиқ олмошлардан мосини қўшиб ёзинг.

36-машқ. Атрофингиздаги барча нарса-буюм ва ҳодисалар номини роди бўйича 3 устунга ажратиб ёзинг ва уларнинг ҳар бирини *он, она, оно* ёки *они* олмошлари билан алмаштиринг.

Род категорияси (Категория рода)

Рус тилида бирлик сондаги отлар кўшимчасига қараб уч родга, яъни мужской, женский ва средний родга бўлинади. Мужской родга ундош билан тугайдиган сўзлар ҳамда эркак жинсига оид *papa, дядя, дедушка* каби сўзлар, женский родга *-а* ва *-я* билан тугайдиган, средний родга *-о, -е (ё)* ҳарфлари билан тугайдиган сўзлар киради.

ь белгиси билан тугайдиган сўзлар мужской ёки женский родда бўлиши мумкин. Бундай сўзларнинг қайси бири қайси родга тааллуқли эканлиги ҳақида ягона қоида йўқ, аммо бунда сўзларнинг баъзилари ҳақида қуйидагиларни эслаб қолиш керак. Жумладан, *-арь* ва *-тель* кўшимчали сўзлар мужской родга, *-ость, -есть, -ность, -знь* кўшимчали сўзлар женский родга тааллуқлидир.

Масалан: *артель, учитель, водитель, букварь, словарь* — сўзлари мужской родда, *жизнь, болезнь, свежесть, молодость, мудрость, честность, промышленность* сўзлари — женский роддадир.

Ж, ч, ш, щ товушлар билан тугайдиган отларнинг мужской родга тааллуқлиларига *ь* кўйилмайди, женский роддаги бундай сўзларда юмшатиш белгиси бўлади. Масалан:

Мужской род: *нож, сторож, мяч, ключ, шалаш, врач, матч, товарищ, борщ...*

Женский род: *рожь, речь, печь, вещь...*

Отларнинг род кўрсаткичларини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

Род	Отларнинг ролди	
	кўшимчалар	мисоллар
Мужской род	-ь, й, согласный	дом, нож, чай автомобиль
Женский род	-а, -я, -ь	книга, линия, речь
Средний род	-о, -е (ё)	яблоко, полотен- це, ружьё

37-машқ. *Наш, наша, наше* олмошларидан мосини қўйиб, қуйидаги сўзлар билан сўз бирикмалари тузинг.

ЗнАние, умЕние, старАтельность, трудолЮбие, воля, настОйчивость, внимАтельность, пАмять, взгляд, отношЕние, здорОвье, лОвкость, вЫдержанность, внимАние.

38-машқ. Қуйидаги сўзларнинг ҳар бирига *весь, вся ёки всё* олмошларидан мосини қўйиб, сўз бирикмалари тузинг ва уларнинг кўплик сонини кўрсатинг.

Намуна: *вся площадь — все площади.*

ГОрод, райОн, Улица, проспЕкт, здАние, строЕние, задАние, дОм, двОр, теАтр, зАл, предприЯтие, учреждЕние.

39-машқ. Юқоридаги машқда берилган сўзларнинг ҳар бирига *этот, эта ёки это* олмошларини қўшиб, сўз бирикмалари тузинг ҳамда уларнинг кўплик сонини ёзинг.

40-машқ. Анварнинг ҳикояси асосида нуқталар ўрнига аввал мой (моя, мои) эгалик олмошларини, сўнгра *его* ва *её* қарашлилик олмошларини қўйиб гапларни тўлдилинг.

... семья. Это ... отец, ... мать. Это ... старшая сестра, а это ... бабушка, это ... младшая сестра, а это ... младший брат. Вот на этой фотографии семья старшей сестры . Это ... муж, а это ... дети. Это ... сын Алишер, а это ... дочь Наргиза. А вот это — семья моего старшего брата. Это ... жена, это ... сын, а это ... дочь.

41-машқ. Нуқталар ўрнига керакли олмошларни қўйиб, гапларни тўлдилинг.

Намуна: *Это редкое дерево, его листья целебны.*

Кит — самое крупное животное, длина достигает до 14–15 метров. Каланхоэ — красивый длинный цветок. ... семена — это маленькие растения. Северные медведи имеют белый цвет. ... цвет помогает скрываться среди льдин.

У орла самый острый глаз. ... глаз помогает увидеть с высоты самую мелкую добычу. Сова — ночная птица. ... глаза ночью хорошо видят.

42-машқ. Ажратиб кўрсатилган отларни қавс ичида берилганлари билан алмаштириб, қолган сўзларни уларга мослаштириб ёзинг.

Намуна: *Большое многоэтажное здание (дом). Большой многоэтажный дом.*

Красивая живописная местность (место). Широкая многолюдная улица (проспект). Чистая целебная вода (источник). Заросший зеленью непроходимый склон горы (подножье).

43-машқ. Нуқталар ўрнига керакли кўшимчаларни қўйиб, гапларни тўлдириг.

Ярко светит осЕнн.. солнце. Тих.., мягк.. вЕтер словно гладит лицо. Мягк.. зелен.. травка нежна, как весной. В арыках журчит прозрАчн.. чист.. вода. На полях идет осенн.. уборка урожая.

44-машқ. Сўз бирикмаларини намунага қараб ўзгартириг.

Намуна: *написать письмо – написанное письмо, закрыть окно – закрытое окно.*

Открыть дверь. Проветрить комнату. Вымыть пол. Полить цветы. Выгладить одежду. Вычистить обувь. Вымыть руки. Причесать волосы.

45-машқ. Рус тилига таржима қилиг.

Хонанинг ўртасида ёзув столи, стуллар, китоб жавонлари, янги компьютер, телевизор, юмшоқ диван ва бошқа буюмларим бор. Ерга янги гилам тўшалган, деворга харита ва расмлар осилган. Столда стол лампаси ва ёзув анжомлари туради.

46-машқ. Ўтирган хонангиздаги буюмлар, ўқув қуроллари ёки кийимларингиздан 20 тасининг номини ёзиб, уларнинг ранги, шакли ва материалини кўрсатувчи сўз бирикмалари тузинг.

Тасвир ва таъриф (Описание и характеристика)

Мослашув қоидалари асосан предмет, шахс ёки ҳодисаларни тасвирлаш ва таърифлашда, яъни уларнинг ранги туси, шакли, материали, ташқи кўриниши, характер-хусусияти кабиларни кўрсатишда қўлланади.

Рус тилини ўзлаштириш учун ушбу таъриф ва тасвирнинг нафақат грамматик шакли, балки мазмунини, яъни қўлланадиган луғавий бирликларни ўзлаштириш керак. Қуйида ана шулардан асосийларини кўрсатамиз.

Предметни рангига қараб тасвирлашда тасвирланаётган от номи билан нафақат *белый, чёрный, красный, жёлтый, зелёный, синий, голубой, фиолетовый, коричневый, серый* каби асосий, балки *красноватый, светло-красный, тёмно-красный* каби ранг тусларини англаувчи сўзлар ҳам қўлланади: *светло-коричневая мебель, тёмно-коричневые двери, желтоватая ткань* ва ҳоказолар.

Предметни ранги, шакли ва ҳажмига қараб тасвирлашда *круглый стол, четырёхугольный стол, большой, длинный стол, массивный, низкий столик* каби от билан сифат бир-бири билан мослашган сўз бирикмалари билан бир қаторда *стол большого размера, коричневого цвета, стол небольшой высоты* каби тасвирланаётган предмет номи билан мослашмаган сўз бирикмалари ҳам қўлланади.

Предметга унинг материалига қараб сифат беришда *деревянная кровать, пластмассовый стул, хрустальная ваза* каби мослашган сифатлар билан бир қаторда предмет номи билан мослашувчи сифатлар билан бирга предмет номи билан мослашмайдиган қуйидаги грамматик шаклдаги сўз бирикмалар ҳам қўлланади: *ваза из хрусталя, посуда из стекла, одеяло из шерсти, ткань из искусственного шёлка* ва ҳоказо.

Предмет номи билан мослашадиган сўз бирикмалари қаторида предметнинг вақт билан боғлиқ *утренний, вечерний, дневной, вчерашний, сегодняшний, летний, зимний, весенний, осенний* каби, шунингдек, *вечернее платье, домашние тапочки, спортивный костюм, спальная мебель, кухонная посуда* каби предметнинг вазифасига кўра сифатловчи сўзлар ҳам қўлланади.

Юқоридагилар билан бир қаторда предметнинг сифатини ифодаловчи ҳамда унинг номи билан мослашадиган *хороший (плохой), красивый (страшный), чистый (грязный), новый (старый)* каби сўзлар ҳам қўлланади.

47-машқ. Куйидаги тасвирларни намунага қараб ўзгартиринг.

Намуна: *люстра из хрусталя* — *хрустальная люстра*.

Скатерть из шёлка, шкаф из дерева, дверь из железа, платье из шерсти, игрушка из резины, брюки из джинса, варенье из клубники, хлеб из пшеничной муки, сумка из кожи, чулки из капрона.

48-машқ. Нуқталар ўрнига керакли кўшимчаларни қўйиб, сўз бирикмаларини тўлдилинг.

Золотист.. ткань, высок.. потолок, розов.. комната, лакированн.. обувь, кожан.. куртка, золот.. браслет, вечерн.. платье, выход.. костюм, джинсов.. юбка, офсетн.. бумага, легков.. автомобиль.

49-машқ. Ён-атрофингиздаги нарс-буюмларни ранги, шакли, материали ва ҳажмига кўра тасвирланг.

Инсоннинг ташқи қиёфасини тасвирлашда гавдасини ифодаловчи *высокий, худой, полный, статный, сутулый, неуклюжий* каби сўзлар билан бир қаторда; *қўли, оёғи, кўзи, қоши, сочлари, бурни, оғзи, юз тузилиши, ранги* каби ташқи кўринишини ифодаловчи куйидаги сўзлар қўлланади:

лицо: *круглое, округлённое, овальное;*

волосы: *чёрные, каштановые, светлые, густые, длинные, кудрявые, прямые, короткие, седые* ва ҳоказо;
глаза: *карие, чёрные, голубые, узкие, круглые, большие, добрые, тусклые* ва ҳоказо;
нос: *прямой, острый, длинный, курносый, орлиный*;
брови: *густые, чёрные, длинные, изогнутые, редкие, прямые.*

50-машқ. Инсон қиёфасини ифодалашда қўлланадиган қуйидаги сўзларни *гавдани, кўзни, сочи* ва *юзни* тасвирловчи гуруҳларга ажратиб ёзинг.

Полный, круглое, густые, чёрные, овальное, длинные, статный, голубые, широкоплечий, лучистые, кудрявые, худой, высокий, светлые, сутулый, умные.

51-машқ. Оила аъзоларингизнинг ташқи қиёфасини тасвирлаб беринг.

52-машқ. Бирорта бадий асардан қахрамоннинг ташқи қиёфасини ифодаловчи парчани топиб, ёзиб олинг ва унинг мазмунини гапириб беринг.

Табиат манзараларини ифодалашда табиат объектлари, об-ҳаво, фасл ўзгаришлари, ён-атрофдаги манзара кўринишлари кабилар тасвирланади. Бунда қуйидаги лексик бирликлар қўлланади:

день: *солнечный, ненастный, холодный, дождливый, пасмурный, безоблачный, тёплый, жаркий, холодный, морозный*;

ночь: *тёмная, светлая, лунная, тихая, холодная, тёплая*;

ветер: *сильный, слабый, штормовой, холодный, тёплый, мягкий, нежный, ураганный*;

небо: *облачное, безоблачное, чистое, звёздное, тёмное*;

горы: *скалистые, холодные, высокие, снежные*;

город: *большой, красивый, благоустроенный, многолюдный, шумный, тихий, безлюдный, старый, исторический, древний, чистый, современный* ва ҳоказо.

53-машқ. Куйидаги сўзлар билан сўз бирикмалари тузинг.

Широкий..., лунный..., ураганный..., мягкий..., благоустроенный..., штормовой..., дождливая..., исторический..., звёздная..., зелёный..., морозный..., жаркая..., молодой..., безоблачное..., светлая... .

54-машқ. Шу кунги фасл ва об-ҳавони тасвираб беринг.

Кишиларни **фёъл-атвори ва хусусиятига қараб таърифлашда** ижобий фазилатлар ва салбий хусусиятларини англлатувчи қуйидаги сифатлар қўлланади:

Ижобий: *хороший, честный, добродушный, весёлый, скромный, порядочный, трудолюбивый, ответственный, внимательный, отзывчивый, щедрый, тихий, нежный, аккуратный* кабилар.

Салбий: *плохой, нечестный, злой, хвастливый, безответственный, ленивый, безалаберный, грубый, безвольный, недисциплинированный, жадный, слабохарактерный* ва ҳоказо.

55-машқ. Юқорида берилган ижобий фазилатларнинг ҳар бирига қарама-қарши бўлган салбий хислатни топиб, уларни ёнма-ён икки устунга ажратиб ёзинг.

Таъриф ва тасвир баъзида бир нарсани бошқасига **қиёслаш, ўхшатиш** йўли билан ҳам ифодаланади. Баъзида кишиларнинг ташқи қиёфаси ёки фёъли хусусияти худди шу хусусиятга эга бўлган жонзотлар билан қиёслаб таърифланади. Бунда жонзот номини ифодаловчи сўзга мужской родда *-ий, -иний*, женский родда *-ья, -иная*, средний родда *-ье* ёки *-иное*, кўплик сонда *-ьи, -иные* қўшимчалари қўшиб қўлланади. Масалан: *медвежья походка, лисьи повадки, заячья губа, волчий аппетит, ослиное упрямство, орлиный нос, мышьяная возня* ва ҳ.к.

56-машқ. Нуқталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйиб, сўз бирикмаларни тўлдилинг.

Медвеж.. берлога, лис.. нора, голубин.. птенец, воробьин.. стая, ворон.. карканье, волч.. вой, лис.. хитрость, собач.. лай, кошач.. мяуканье.

Юқоридаги қўшимчалар фақат ўхшатиш ва қиёслашда эмас, қарашлилиқни ифодалашда ҳам қўлланади. Масалан, *пчелиный мёд*.

57-машқ. Қуйидаги сўз бирикмаларини рус тилига таржима қилинг.

Қўй гўшти, мол гўшти, товуқ тухуми, чумчуқ уяси, отнинг изи, бўрининг тишлари, қуён юраги, қарғанинг қағиллаши, илон заҳри, маймунлар тўдаси, ғоз юриш.

Ушбу тасвир мослашмаган сўз бирикмалари ёрдамида ҳам ифодаланади. Бунда *как* кўмакчиси қўлланади. Масалан:

Хитрый, как лиса.

Неуклюжий, как медведь.

Красивый, как цветок.

Стройная, как тополь.

Упрямый, как осёл.

Работающий, как лошадь.

Преданный, как собака.

Бошқарув (Управление)

Бошқарув деганда гапдаги барча иккинчи даражали бўлақлар вазифасидаги от ҳамда у билан мослашиб келадиган барча туркумдаги сўзлар кесим томонидан бошқарилиши, яъни кесимдан келиб чиққан саволга қараб келишиқ ва сон шаклини олиши тушунилади.

Живём (где?) в этом красивом здании.

Направляемся (куда?) к этому красивому зданию.

Вышли (откуда?) из этого красивого здания.

Ҳар бир феълдан мазмунга қараб муайян савол ёки саволлар келиб чиқади. Масалан, разговаривать о чём? с кем? ёки отдать что? кому? ва ҳоказо. Саволлардан келиб чиқиб ҳар бир феъл бошқарадиган сўзлар муайян келишик (падеж)да муайян олд кўмакчи (предлог) билан ёки предлогсиз қўлланади.

Баъзи феъллардан бир неча савол келиб чиқиб, бошқариладиган сўз бирикмалари билан савол мазмунига қараб, муайян предлог ёки предлогсиз қўлланади. Масалан: *жить где? в городе (пред. падеж), около (у) леса, недалеко от школы (род. падеж), рядом со школой, под Киевом (твор. падеж), по линии метро (дат. падеж).*

Бундан ташқари, ҳар бир феълдан бир неча савол келиб чиқиб, ҳар бир саволга жавоб беришда сўз ёки сўз бирикмалари бир неча предлог ёрдамида бир неча келишик шаклида қўлланиши мумкин. Масалан, *жить* феълидан келиб чиққан *где?* саволига жавоб беришда *около, возле, у, среди, недалеко от* каби предлоглар билан род. падежда (*около дома, возле дома, у дома, среди домов, недалеко от дома*); *по* предлоги билан дат. падеж шаклидаги (*по линии метро*), *рядом с, под*, предлоглари билан твор. падеждаги (*рядом с домом, под городом*); *в, на, при*, предлоглари билан пред. падежда (*в доме, на втором этаже, при поликлинике*) каби шакллардаги сўз бирикмалари қўлланиши мумкин.

Рус тилида ҳар бир падеж шаклини бошқарадиган, яъни муайян падежга оид саволларни келтириб чиқарадиган бир қатор феъллар мавжуд.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир падеждаги сўз ва сўз бирикмалари билан қўлланадиган муайян феъллар қатори мавжуд. Масалан, нутқда энг кўп қўлланадиган род. падежга оид *кого? чего?* саволлари қуйидаги феъллардан келиб чиқади.

Хотеть чего?
 добиваться (добиться) чего?
 бояться кого? чего?
 пугаться кого? чего?
 прийти (доходить) до кого? до чего?
 спрашивать (спросить) с кого?
 снять (снимать) с чего? с кого?
 стараться для кого? для чего?
 работать для кого? для чего?
 отталкиваться от чего?
 отступить от чего?

Рус тилидаги бошқарувнинг юқоридаги хусусиятлари муайян маънони ифодалашда қўлланадиган предлогсиз ёки предлогли келишик шакллари мавжудлиги билан боғлиқ. Масалан, қарашлилик маъносини ифодалашда родительный падеж, ҳаракат йўналишини ифодалашда дат. падеж, ҳаракат объектини ифодалашда вин. падеж, ҳаракат қуролини ифодалашда твор. падеж, фикр мазмунини ифодалашда пред. падеж шаклидаги сўз ва сўз бирикмалари қўлланади.

Қуйидаги қўшимчалар билан қўлланадиган родительный падеж шаклидаги сўз ва сўз бирикмалари асосан 18 маънони: қарашлилик, сон ва миқдорни ифодалаш, ҳаракатнинг бошланиш манбаи, бутуннинг бўлаги, предмет материали, ҳаракат вақти ва санаси, ҳаракат чегараси, ҳаракат мақсади, ҳаракат сабаби каби маъноларни ифодалашда қўлланади.

Род. падеж қўшимчалари

Род	от	сифатловчилар
м.р.	-а, -я,	-ого, -его
ж.	-и, -ы	-ой, ей
ср.	-а, -я	-ого, -его
Қўп. сон	-ов, -ев, -ий, -й, без оконч.	-их, ых

Отларнинг родителъный падеж бирлик сондаги кўшимчалари мужской ва средний родда *-а* ёки *-я* бўлади. Агар мужской родда сўз асоси қаттиқ ундош ёки средний родда *О* унлиси билан тугаса, *-а* (*дом – дома, зеркало – зеркала*), юмшоқ ундош билан ёки *е* билан тугаса *-я* кўшимчаси кўшилади (*автомобиль – автомобиля, море – моря*). Женский роддаги именительный падежда *-а* кўшимчаси билан тугаган сўзларда *-ы, ь* ва *я* билан тугаган сўзларда *-и* кўшимчаси қўлланади. Масалан: *машина – около машины, тетрадь – из тетради, лаборатория – из лаборатории*.

Аммо негизи *г, к, ж, х, ч, ш, щ* ундошлари билан тугаган сўзларнинг род. падежида *-ы* эмас, фақат *-и* кўшимчаси қўлланади. Масалан: *помощь – для помощи, рука – для руки, нога – для ноги, речь – для речи*.

Лекин род. падежнинг кўплик сонидан отларда 5 хил кўшимча қўлланади. Уларнинг ҳар бири муайян роддаги муайян кўшимчага тааллуқлидир. Жумладан,

-ов	м.р.	стол	—	5 столов
-ев	м.р.	стул	—	5 стульев
	м.р.	санаторий	—	5 санаториев
	м.р.	автомобиль	—	5 автомобилей
-ей	ж.р.	скатерть	—	5 скатертей
	ср.р.	море	—	5 морей
	ж.р.	лекция	—	5 лекций
-ий	ср.р.	здание	—	5 зданий.

без оканчания. ж.р. ручка — 5 ручек
 сред. р. яблоко — 5 яблок

Шахс олмошларининг род. падеждаги шакли қуйидагича бўлиб, унда олмошлар предлог билан қўлланганда бирлик ва кўплик 3 шахсда *н* ҳарфи кўшилади.

<i>Я – меня</i>	<i>Мы – нас</i>
<i>Ты – тебя</i>	<i>Вы – вас</i>
<i>Он – (оно) его (у него)</i>	<i>Они – их (у них)</i>
<i>Она – её (у неё).</i>	

58-машқ. Куйидаги сўзларни бош келишик бирлик сондаги кўшимчасига қараб 4 устунга ажратинг. 1-устунга кўплик сон, род. падежда -ов, -ев, 2-устунга -ей, 3-устунга -ий, 4-устунга без окончанияларини ажратиб ёзинг.

Страница, поле, улица, скатерть, потолок, стул, дверь, здание, упражнение, лекция, город, звезда, облако, море, резина, ряд, артист, врач, учитель, армия, задание.

59-машқ. Куйидаги сўзларни рус тилига таржима қилинг.

Китобсиз, саҳифасиз, газетасиз, кўйлаксиз, ручкасиз, шифокорларсиз, дўстсиз, майдонсиз, баргсиз, варақасиз, ёмғирсиз, гиламсиз, ойнасиз, эшиксиз, бармоқсиз, хужжатсиз.

Қарашлилик (Принадлежность)

Қарашлиликни ифодалашда рус тилидаги род. падеж шаклида қўлланадиган сўз ва сўз бирикмалари маъноси ўзбек тилидаги *-нинг* кўшимчали ёки кўшимчасиз қаратқич келишигида қўлланадиган сўзлар маъносига тўғри келади. Масалан:

Мактабнинг ҳовлиси — двор школы

Мактаб директори — директор школы.

Бўлинмас ибораларнинг фақат асосий қисмига родительный падеж кўшимчаси қўлланади. Масалан, *продукция издательства «Шарк»*. *Зал театра имени Алишера Навои*. *Депутат Олий Мажлиси*.

Қарашлиликни ифодалашда *директор школы, председатель правления, редактор журнала, вахтёр учреждения* каби лавозимни ҳамда *учитель математики, артист театра, офицер армии, сержант милиции* каби касб номларини англаувчи сўз ва сўз бирикмалари қўлланади.

Истисно равишда фақат *заведующий* лавозими номи билан қўлланувчи сўз ва сўз бирикмалари творительный

падежда қўлланади, чунки *заведовать* феълидан *чем?* саволи келиб чиқади. Масалан: *Заведующий вторым отделением. Заведующая детским садом.*

60-машқ. Ота-онангиз ва яқин дўстларингизнинг ота-оналари лавозимлари номини ёзинг.

Микдорни ифодалаш (Обозначение количества)

Рус тилида *один (бир)* сонидан ташқари, барча сонлар билан белгиланувчи сўзлар родительный падежда қўлланади. Шундан 2, 3, 4 ҳамда шу сонлар билан тугайдиган (22, 23, 102, 103...)лар билан белгиланувчи сўзлар родительный падеж бирлик сонда, 5–10 ҳамда 11–20 гача ва улар билан тугайдиган сонлар белгилайдиган сўзлар родительный падеж кўплик сонда қўлланади. Масалан:

2 (две) книги	5 (пять) книг
3 (три) книги	6 (шесть) книг
4 (четыре) книги	10 (десять) книг
11 дней, 15 недель,	19 часов.

1 21, 41, 101... каби сонлар билан белгиланувчи сўзлар истисно равишда родительный падеж эмас, балки имен. падежда қўлланади. Бундан ташқари, бу сон билан белгиланувчи сўз билан родда мослашиб, *один, одна, одно, одни* шаклларда қўлланади. Масалан:

Один (двадцать один, сто один ва ҳоказо) учебник, стол, дом, компьютер, день.

Одна (двадцать одна, сто одна) книга, комната, страница.

Одно (двадцать одно, сто одно) место, здание, предложение, упражнение, яблоко.

Одни (двадцать одни, сто одни) сутки, часы, брюки, ворота.

2 (22, 32, 42...) сонлар билан белгиланувчи сўзлар ҳам родда мослашади. Бунда

М.р.	—	два
Ср.р.	—	два
Ж.р.	—	две
Мн.число	—	двое.

Масалан: *два дня, две ночи, двое суток.*

61-машқ. Нуқталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйиб сўз бирикмаларини тўлдилинг.

Сто од.. день. Дв.. месяца. Сорок од.. сум. Семьдесят дв часа. Дв.. здания. Од.. лист бумаги. Пятьдесят од... руб.. Девяносто од.. килограмм. Од.. штука. Од.. пачка. Од.. ножницы. Од.. нож.

62-машқ. Қуйидаги миқдор кўрсаткичларини рус тилига таржима қилинг.

2 қути, 1 кг шакар, 2 бўлак совун, 2 та олма, 2 та нок,

1 та қовун, 1 та тарвуз, 1 буханка нон, 2 шиша ёғ.

63-машқ. Нуқталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйинг.

Од.. кусок хозяйствен.. мыла. Дв.. килограмм.. сахар.... песка. Дв.. буханки черн.. хлеба. Три буханки бел.. хлеба.

64-машқ. Қавс ичидан ҳар бир сон билан белгиланувчи сўзни топиб, предметлар миқдорини сўз билан ёзинг.

21, 22, 26 (дней, день, дня)
 71, 72, 75 (грамм, граммов, грамма)
 11, 16, 22 (листов, листов, листа)
 31, 32, 39 (часов, часа, час)
 41, 42, 46 (серия, серий, серии).

65-машқ. Вақтни ифодаловчи сўз бирикмалари жадвалдаги нуқталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйиб сўзларни тўлдилинг.

Од.. минута =	60 секу...
Од.. час =	60 мин..
Од.. сутки =	24 час..
Од.. неделя =	7 дн..
Од.. месяц =	4 недели .. дн.. (31 день..
Од.. год =	12 мес.. 365–367 дн..

66-машқ. Юқоридаги жадвалга ўхшатиб оғирлик ҳамда узунлик ўлчовлари бўйича жадвал тузинг.

67-машқ. Оғирлик ва миқдор ўлчовларини қўлаб 5 кишига мўлжалланган палов ва пирог учун кетадиган масаллиқ миқдорини ёзинг.

Тахминий ўлчов (Примерная мера)

2. Ўзбек тилида ҳар уч (ўтган, ҳозирги ва келаси) замон сифатдошлари, рус тилида эса сифатдошларнинг фақат икки тури: ўтган ва ҳозирги замон сифатдошлари мавжуд. Шу боис ўзбек тилидаги келаси замон сифатдоши қўлланиб ифодаланган фикр рус тилига фақат аниқловчи эргаш гап шаклида ўгирилади.

Ўзбек тилида ўтган замон сифатдоши феъл ўзагига *-ган*, ҳозирги замон сифатдоши *-(а)ётган*, келаси замон сифатдоши эса *-(а)диган* аффиксларни қўшиш йўли билан ясалади. Рус тилида эса сифатдошлар икки турда бўлиб, уларнинг ҳар бири икки турдаги феъл шаклларида ясалади. Биринчи тури ***действительное сифатдош*** ҳаракат ёки ҳолат субъектини сифатлашда, иккинчиси эса ***страдательное сифатдош*** ҳаракат ёки ҳолат объектини сифатлашда қўлланади. Бундан ташқари, рус тилида сифатдошларнинг замон шакллари турли феъл шаклларида турли суффикслар ёрдамида ясалади. Бунда сифатдош ясалиши феълларнинг види ҳамда ўтимли ёки ўтимсизлигига боғлиқ.

3-жадвал.

Действительное сифатдошнинг ясалиши

Инфинитив	Ҳозирги замон		
	Ҳозирги замон феъли	Суффикс	Сифатдош
писать	пиш-ут	-ущ-	пишущий (-ая, -ее, -ие)
думать	дума-ют	-ющ-	думающий (-ая, -ее, -ие)
танцевать	танцу-ют	-ющ-	танцующий (-ая, -ее, -ие)
слышать	слыш-ат	-ащ-	слышащий (-ая, -ее, -ие)
говорить	говор-ят	-ящ-	говорящий (-ая, -ее, -ие)
	Ўтган замон		
	Ўтган замон феъли ўзаги	Суффикс	Сифатдош
писать	писа-л	-вш-	писавший (-ая, -ее, -ие)
говорить	говори-л	-вш-	говоривший (-ая, -ее, -ие)

Страдательное сифатдошларнинг ҳозирги замони несовершенный вид феълларининг ҳозирги замони ўзагидан, ўтган замон сифатдошлари эса феълларнинг ноаниқ шакли негизидан ясалади. Аммо совершенный вид феълларининг ҳозирги замон страдательный шакли бўлмаганлиги учун улар несовершенный вид феълларининг ҳозирги замонидан ясалади. Лекин бундай ясаиш барча феълларга тааллуқли эмас, яъни кўп феъллардан ҳозирги замон страдательное сифатдошини ясаб бўлмайди. Масалан, *писать*, *читать*, *лететь*, *делать* феъллари шулар жумласидандир. Бу феълларнинг айримларининг **-ва-**, **-ива**, **-ыва** суффиксли иккинчи турдаги несовершенный вид шакли мавжуд. Улар мазкур феълларнинг олд қўшимчали совершенный вид шаклига юқоридаги суффикслар қўшилишидан ясалади. Бу феълларни **иккиламчи несовершенный вид** деб аташ мумкин. Масалан, *прочитать* – *прочитывать*, *писать* – *записывать*, *переделать* – *переделывать*. Страдательное

сифатдошларнинг ҳозирги замон шакли айти шу
иккиламчи несовершенный вид феълларидан ясалади.

4-жадвал

Страдательное сифатдошнинг ясалиши

Инфинитив	Ҳозирги замон		
	Ҳозирги замон	Суффикс	Сифатдош
организовать любить	организу-ем люб-им	-ем-, -им-	организуемый (-ая, -ое, -ые) любимый (-ая, -ое, -ые)
	Ўтган замон		
написать получить открыть	Инфинитив асоси	Суффикс	Сифатдош
	написа-ть получи-ть откры-ть	-нн- -енн-, -т-	написанный (-ая, -ое, -ые) полученный (-ая, -ое, -ые) открытый (-ая, -ое, -ые)

124-машқ. Нуқталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйиб,
сўз бирикмаларини тўлдилинг.

Засеянн.. поле, распустив..ся листочки, парящ.. в небе
птицы, ласкающ.. тело ветерок, спускаю..ся по стеблям
растений букашки, плывущ.. в небе облака, распущенн..
волосы, выглаженн.. одежда, брошенн.. на секунду взгляд.

125-машқ. Қуйидаги феълли сўз бирикмаларини намунага
қараб сифатдошли бирикмаларга алмаштилинг.

Намуна: *Дерево цветёт — цветущее дерево. Кукла
говорит — говорящая кукла. Лепестки распускаются —
распускающиеся лепестки.*

Дом строится. Машина везёт кирпичи. Строители
укладывают кирпичи. Машинист управляет экскаватором.
Инженеры составляют проект. Специальный самосвал

поставляет раствор. Приспособление поднимает груз. Люди расчищают площадку. Строительство начинается.

Аммо иккиламчи несовершенный виддаги *-ва (-ыва, -ива)* суффиксли феълларни айни шу суффиксли бирламчи несовершенный вид феълларидан фарқлаш керак, чунки бу феъллардан ҳозирги замон сифатдоши ясалмайди. Масалан, *умываться, давать, жевать, рисовать* кабилар шундай феъллар қаторига киради. Улардан ҳозирги замон сифатдоши ясалмайди.

3. Рус тилидаги сифатдошларнинг нутқда энг кўп (айниқса, расмий ва илмий услубдаги матнларда) қўлланадиган шакли ўтган замон страдательное сифатдошларнинг қисқарган шаклидир (*план выполнен, дверь открыта, дело сделано, письма написаны*).

Сифатланувчи сўз билан род ва сонда мослашувчи бундай сифатдошлар гапта предикат (кесим) вазифасини бажаради ва сифатланувчи сўздан кейин келади. Улар ўзбек тилидаги кесим вазифасида келадиган **ган** суффикси билан қўлланадиган ўтган замон феълларининг муқобилидир. Масалан, *дом построен – уй қурилган, здание построено – бино қурилган*. Ўзбек ва рус тилларидаги бундай сифатдошларнинг фарқи шундаки, ўзбек тилида сифатдош сифатловчидан олдин келса, сифатдош аниқловчи вазифасини бажаради ва рус тилидаги ўтган замон страдательное сифатдошларнинг тўла шаклига муқобил бўлади. Агар кейин келса – кесим вазифасини бажаради ва рус тилидаги ўтган замон страдательное сифатдошнинг қисқарган шаклига муқобил бўлади. Масалан:

написанное письмо – ёзилган хат (сифатдош)

письмо написано – хат ёзилган (феъл)

выполненный план – бажарилган режа (сифатдош)

план выполнен – режа бажарилган (феъл).

126-машқ. Намунага қараб объект ва субъект жойини ва сифатдош шаклини ўзгартиринг.

Намуна: *Художник, нарисовавший картину. — Картина, нарисованная художником.*

Ученик, получивший грамоту. Инженер, подготовивший план дома. Старик, посадивший дерево. Специалисты, изучившие план. Машина, выполняющая сложные операции. Врач, вылечивший больного. Хирург, оперирующий ребёнка. Писатель, написавший хороший роман.

127-машқ. Қавс ичида берилган сифатдошларни керакли шаклда қўллаб, гапларни тўлдиринг.

После (изнуряющая) жары, к вечеру, жизнь в степи начала оживляться. Из-под (укрывшие) их от жары растений стали вылезать жучки и паучки. Показались поднявшие свои тоненькие головы полевые цветы. Все почувствовали веяние (застывший) днём ветерка. Пришли в движение неизвестно откуда (появившийся) летящие насекомые.

128-машқ. Қуйидаги сўз бирикмаларини рус тилига таржима қилинг.

Кеча пиширилган шўрва. — Шўрва кеча пиширилган.

Янги қурилган уй. — Уй янги қурилган. Ланг очилган дераза. — Дераза ланг очилган.

Кеча сотиб олинган соат. — Соат кеча сотиб олинган.

Равишдош (Деепричастие)

Феъл билан бевосита боғлиқ ва феълдан ҳосил бўладиган яна бир феъл шакли деепричастие (равишдош)дир. Сифатдош каби, маъно жиҳатдан рус тилидаги деепричастие ўзбек тилидаги равишдош билан бир хилдир, яъни рус тилида ҳам бу феъл шаклига оид

сўзлар ҳаракат тарзини ёки вақтини, мақсадин ёки сабабни англатади ва *как? когда? с какой целью? почему?* саволларига жавоб беради. Рус тилидаги равишдош, феъл каби, икки турга: *совершенный* ва *несовершенный* видга ажратилади.

Несовершенный виддаги равишдош *несовершенный* виддаги феъллар асосига *-а* ёки *-я* қўшимчаси қўшилиши билан ҳосил бўлади. У гапдаги феъл билан бирга қўлланиб, феъл ифодалаган ҳаракат билан бир вақтда содир бўлишини англатади.

Я читал книгу и получил новую информацию. —
Чита+я книгу, я получил новую информацию.

идти — идя

делать — делая

спрашивать — спрашивая

стоять — стоя

записывать — записывая

говорить — говоря.

Совершенный вид равишдошлари *совершенный* виддаги феъллар асосига *-в, -вшись*, (агар феъл *-ся* билан тугаса) қўшимчаларини қўшиш йўли билан ҳосил бўлади. У феъл билан ифодаланган асосий ҳаракатдан аввал содир бўлган ҳаракатни англатади. Масалан: *Я прочитал книгу и выписал из неё незнакомые мне слова. Прочитав книгу, я выписал из неё незнакомые мне слова. Я закрыл двери и вышел. Закрыв дверь, я вышел.*

Кўриниб турибдики, рус тилидаги равишдош турлари ўзбек тилидагиларга тўла мос келади. Қиёсланг: *Закрывая дверь, я защемил палец. (Эшикни ёпаётиб, қўлимни қисиб олдим). Закрыв дверь, я вышел. (Эшикни ёпиб, мен чиқиб кетдим).*

Ушбу мисоллардан равишдошлар рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бир йўла бажариладиган ҳаракат вақтини ҳамда ҳаракат тарзини ифодалайди.

Рус тилидаги мазкур феъл шакли бошқа сўз туркумлари билан мослашмайди. Ўзбек тилидагидек, бунда битта қоидага риоя қилиш зарур: равишдош ва асосий феъл билан ифодаланган ҳаракат ёки ҳолат бир

субъект томонидан бажарилиши ёки бир субъектга тааллуқли бўлиши керак. Акс ҳолда маъно ифодаси бузилади. Масалан: «*Гуляя по саду, у меня слетела шляпа*» жумласида *слетела* феъли *шляпага* тааллуқли, *гуляя* сўзи билан ифодаланган ҳаракат эса шахсга тааллуқли бўлгани учун бу жумла «шляпа боғда сайр қилиб юрганда тушиб кетди» деган нотўғри маънони англатади.

Рус тилида ҳам, ўзбек тилидагидек, равишдош якка сўздан иборат бўлганда алоҳида ўзи, ёнида унга тааллуқли сўзлар бўлган тақдирда улар билан бирга (деепричастный оборот) гапдаги бошқа сўзлардан вергул билан ажратилади.

129-машқ. Нуқталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйиб, равишдошларни тўлдилинг.

Управл.. автомашиной, нельзя разговаривать по мобильному телефону. Поэтому, если сид.. за рулем, вы услышите звонок, вы должны, отогн.. машину в сторону, остановить её. Останав.. машину, вы должны выйти из машины и только после этого ответить на звонок. Поговор.., вы можете сесть в машину и ехать дальше. Не соблюда... этих правил, вы подвергаете опасности не только себя, но и окружающих.

130-машқ. Қуйидаги феъллардан равишдошлар ясанг.

Намуна: *сидеть* – *сидя*, *взяться* – *взявшись*.

Братся – ..., встречаться – ..., одеваться – ..., улыбаться – ..., причёсываться – ..., добиваться – ..., посидеть – ..., причесаться – ..., одеться – ..., добиться – ..., улыбнуться –

131-машқ. Гаплардаги иккита феълнинг бирини равишдошга айлантириб ёзинг. Намуна: *Она (видела, увидела, увидев нас)*

Он (писать, написать) письмо и положил его в сумку. Девочка (открыть, открывать) шкаф и (видеть, увидеть) новое платье. Собака (видеть, увидеть) незнакомца, громко (лаять,

залаять).

132-машқ. Гап мазмунига қараб қавс ичида берилган феълларнинг бирини равишдош шаклида қўлаб, гапни тўлдилинг.

(Уходить, уйти) на работу, выключайте все электрические приборы. (Не делать, не сделать) этого, вы можете вызвать пожар. Некоторым людям приходится (вспомнить, помнить) об этом, возвращаться назад. (Ремонтировать, отремонтировать) квартиру, вы должны подумать об установке розеток на нужной высоте. Розетка должна быть на такой высоте, чтобы маленькие дети, (тянуть, протянуть) руку, не могли достать её.

133-машқ. Куйидаги гапларни рус тилига таржима қилинг.

Эрталаб туриб, мен албатта бадантарбия билан шуғулланаман. Машқларни бошламай туриб, деразаларни очиб қўяман, сўнг мусиқа қўйиб, бадантарбия қиламан. Мусиқа эшитиб туриб, машқларни бажариш осон. Бадантарбия учун машқларни танлаётиб, баданнинг ҳамма қисмларини ҳаракатга келиши ҳақида ўйлайман. Шунинг учун сакраётиб, қўлларим ва бошимни қимирлатаман. Оёқ-қўлимни орқага эгиб, бошимни ҳам ўша томонга эгаман. Бадантарбия қилиб бўлиб, албатта душ қабул қиламан ёки баданимни ҳўл сочиқ билан артаман.

Ҳаракат тарзи

(Образ действия)

Ҳаракат тарзини ифодалашда рус тилида ҳам, ўзбек тилидагидек, равишдош (деепричастие) билан бир қаторда *как? каким образом?* саволларга жавоб берадиган наречие (равиш) туркумига мансуб сўзлар қўлланади. Ўзбек тилида бундай сўзлар сифатлар билан бир хил бўлса, рус тилида улардан шакл жиҳатдан фарқланади. Масалан:

Яхши қиз — хорошая девушка

Яхши гапирди — хорошо говорила.

Яъни, ҳолат ва ҳаракат тарзини ифодаловчи равишлар

сифатлардан ясалади. Бунда бир неча усул мавжуд.

1. Сўз негизига *-о* ёки *-е* қўшимчаларини қўшиш йўли билан:

красивый — *красиво*

быстрый — *быстро*

легкий — *легко*

высокий — *высоко*

внешний — *внешне*.

Баъзи равишлар сифат ясовчи қўшимчаларини қисқартириш орқали ясалади:

героический народ — *героически сражался*

короткое пальто — *срезали коротко*

внешнее сходство — *внешне похож*.

Баъзи равишлар сифатларга чизиқча билан *по* қўмакчисини қўшиш орқали ясалади. Масалан:

новое отношение — *работал по-новому*

хозяйский взгляд — *смотрит по-хозяйски*

другая походка — *ходит по-другому*

дружеское общение — *общаться по-дружески*.

3. Ҳаракат тарзини ифодалашда равиш билан бир қаторда бўлишли ва бўлишсизлик маъносини ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалари ҳам қўлланади. Масалан:

Пришёл (как?) с книгой — *пришёл (как?) без книги*

Работал (как?) с интересом — *работал (как?) без интереса*.

Бунда ҳаракат ёки ҳолат тарзини ифодаловчи бўлишсизлик маъносидаги сўз ва сўз бирикмалари родительный падежда *без* предлоги билан, бўлишли маънодагилари эса творительный падежда *с* предлоги билан қўлланади.

Прийти без всяких инструментов.

Прийти с новыми инструментами.

4. Ҳаракат тарзи, шунингдек, предлогсиз творительный падеждаги сўзлар орқали ифодаланади. Бунда от

туркумидаги сўзлар *как? каким образом?* саволига жавоб бериб, равиш (наречие) туркумига ўтиб кетади. *Бежать бегом, лошадь бежит рысью, ходить босиком, идти пешком.*

5. Ҳаракат тарзи маъноси бирор нарсанинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги билан боғлиқ бўлса, сўз ва сўз бирикмалари предложный падежда в предлоги билан қўлланади: *ходить в красивых чулках (туфлях), красоваться в новой одежде.*

Мисоллардан кўриниб тургандек, сифат (прилагательное) предметни белгилаб (таърифлаб), у билан мослашади, равиш (наречие) эса ҳолат ёки ҳаракатни белгилаб (таърифлаб), унинг тарзини кўрсатади, лекин у билан мослашмайди (*прийти без шапки – идти в шапке*).

134-машқ. Қавс ичидаги сўзлардан мосларини танлаб, нуқталар ўрнига қўйинг.

Человек должен всегда говорить ... (грамотно, грамотный). Выступать надо (краткий, кратко) Излагать свою мысль следует (чёткий, чётко) Голос у него был (мягкий, мягко) Он говорил (негромкий, негромко) Разговаривать с ним было (приятный, приятно) Внешность у него была (приятный, приятно)...

Днём в этом курортном городе было (тихий, тихо) (Многолюдный, многолюдно) было только на пляже у моря. (Оживлённый, оживлённо) ... становилось только к вечеру.

135-машқ. Нуқталар ўрнига қавс ичидаги сифатни равиш шаклига айлантириб, гапларни тўлдириг.

Погода испортилась (внезапный) Со стороны моря (резкий) подул ветер, (быстрый) ... гоняя в сторону города грозовые тучи.

На изменение погоды первыми (резкий) ... отреагировали птицы и насекомые. Птицы затихли и (унылый) ... сидели на ветвях деревьев. Насекомые стали летать (низкий) ... над землёй. Вдруг (громкий) ... загрохотал гром, (яркий) ... сверкнула

молния и (быстрый) ... закапали первые капли дождя.

136-машқ. Ҳаракат тарзини ифодаловчи сўз бирикмаларини намунага қараб ўзгартиринг.

Намуна: *без больших усилий — с большими усилиями. С большим трудом — без особого труда.*

Без больших затрат. Без экономических потерь. Без дорогого подарка. Без приложения усилий. Без материального ущерба. Писать без ошибок. С накладными расходами. С предварительной беседой. С годовой гарантией. Со всеми удобствами. С экономическими издержками.

137-машқ. Қавс ичидаги сифатларни *по* предлоғли равиш билан алмаштиринг.

Намуна: *Мастерский — по-мастерски.*

Сказали ему (дружеский). Поддержать его придётся (братский). Обсудили всё (деловой). Дрался он (боксёрский). Лепетал он (детский), не выговаривая букву Р. Научился плавать (собачий), но быстро.

138-машқ. Ҳаракат тарзини ифодаловчи сўз бирикмалари шаклини намунага қараб ўзгартиринг.

Намуна: *Лететь на самолёте — Лететь самолётом.*

Добираться на поезде. Плыть на пароходе. Добираться по водному пути. Идти по окольной дороге. Побежать по короткой дороге. Поехать на поезде. Отправлять письмо по почте. Передать сообщение по телеграфу.

139-машқ. Гапларни ҳаракат ёки ҳолат тарзини ифодаловчи сўзлар билан давом эттиринг.

Намуна: Нельзя разговаривать громко, мешая окружающим.

Нельзя одеваться Следует одеваться Со старшими надо разговаривать К маленьким детям надо относиться В транспорте следует В кино или театре нельзя

СИНТАКСИС

Гапда сўз тартиби

(Порядок слов в предложении)

Рус тилида фикр ифодалашда нафақат сўзларни тўғри танлаш ва уларни мослашув ва бошқарув қонун-қоидаларига кўра тўғри қўллаган ҳолда ишлатиш, балки уларни гапда бир-бири билан боғлайдиган воситаларни тўғри танлаш ҳамда сўзлар тартибини белгилаш зарур.

Рус тилидаги сўз тартиби нисбатан эркин. Бунда фикр ифодалашда қайси сўзга мантиқий урғу бериш керак бўлса, ёзма нутқда шу сўз жумлада биринчи ўринга чиқади, оғзаки нутқда эса айнаи ўша сўзга мантиқий урғу (логическое ударение) тушади. Бундай ҳолни айниқса диалогик нутқда кўра бўлади.

— Это *вы* вчера с гостями были здесь?

— Да, мы.

— Это вы *вчера* с гостями были здесь?

— Да, вчера.

— Это вы вчера *с гостями* были?

— Да, с гостями.

— Это вы вчера с гостями были *здесь*?

— Да здесь.

Ёзма нутқда ҳар бир саволга жавобда мантиқий урғу тушадиган сўз биринчи ўринга чиқади.

— Да, *вчера* мы были в гостях здесь.

— Да, *мы* вчера с гостями были здесь.

— Да, *с гостями* мы были вчера здесь.

— Да, *здесь* мы были вчера с гостями.

Демак, рус тилида ҳам, ўзбек тилидагидек, гапда сўзлар тартибини белгилашда ифодаланувчи фикрда мантиқий урғуни қайси сўзга бериш кераклигини ҳисобга олиш зарур.

Монологик нутқда фикр ифодалашда рус тилидаги жумлада сўзлар тартиби ўзбек тилидан фарқланиши, аниқроғи, тескари тартибда бўлиши кузатилади. Бу ҳолни

Ўзбек тилидаги жумлани рус тилига ўгирилишида кўrsa бўлади. Масалан:

Мустақиллик шарофати билан қайта таъмирланган, мингйиллик маданиятимиздан дарак берувчи муқаддас қадамжойларга айланган меъморий ёдгорликларни кўришга келувчи чет элликлар оқимининг кети узилмайди.

Не прекращается поток иностранцев, приезжающих посмотреть на святые памятники старины, являющиеся свидетельством тысячелетней культуры, восстановленные благодаря Независимости.

Гапдаги *поток сўзи* эга бўлиб, *не прекращается сўзи* кесимдир, қолган барча сўзлар икки гуруҳга бўлинади: бири эгага тааллуқли, иккинчиси кесимга тааллуқлидир.

Рус тилида кесим гуруҳи биринчи ўринда, эга гуруҳи эса иккинчи ўринда қўлланади. Ўзбекча жумлада бунинг тескариси: эгани таъриф ва тавсифловчи ва у билан боғлиқ сўзлар биринчи ўринга чиқади. Кесим гуруҳи, яъни кесим томонидан бошқариладиган тўлдирувчи (дополнение) ва унга тааллуқли сўзлар, шунингдек, ҳаракат ва ҳолатни белгиловчи ҳол (обстоятельство) турлари иккинчи ўринга тушади.

Эга ва кесимнинг муносабатига кўра, рус тилидаги жумлалар, ўзбек тилидагидек, эга ва кесими аниқ бўлган тўла гаплардан ташқари, яна қуйидаги турларга бўлинади:

1) фақат эгадан ёки эга билан уни изоҳловчи сўзлардан иборат гаплар (назывные предложения);

2) фақат кесимдан иборат:

а) эгасиз гаплар (безличные предложения);

б) эгаси номаълум гаплар (неопределённо-личные предложения);

в) эгаси умумлашган (обобщённо-личные предложения) гаплар.

Эгасиз гаплар (безличные предложения) қуйидаги шаклларда қўлланиши мумкин:

1. Утган замон феълларининг *средний* роддаги *-ло*, *(-лось)* қўшимчали шакли: *Рассвело. Похолодало. Вечерело. Приснилось. Показалось.*

Кўриниб тургандек, бу шаклдаги кесимлар кўпинча табиат ҳодисалари ёки кишиларнинг жисмоний ёки руҳий ҳолатини ифодалашда қўлланади.

2. Ҳозирги замон феълининг ўзлик шакли (возвратный залог глагола): *План выполняется. Продукция выпускается. Дело двигается.*

3. Ўтган замон сифатдошининг қисқарган (қўшимчасиз фақат суффиксли) шакли:

План выполнен. Задача решена. Продукция выпущена.

Юқоридаги гаплар шахссиз (*безличные*) дейилганда эга (*подлежащее*)сиз деб тушунилиши керак эмас. Чунки, шакл жиҳатдан қараганда, бу гапларда рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам эга бордек кўринади. Аммо эга шаклидаги бу сўзлар, аслини олганда, ҳаракат бажарувчиси (яъни субъекти) эмас, балки ҳаракат йўналтирилган нарса (объект)дир. Шунинг учун бу гаплар эгасиз (*безличное*) гап эмас, балки *субъектсиз гап* деб аталса, тўғри бўлади (лекин анъанавий рус тилшунослигида улар *безличные, неопределённо-личные* деб аталиб, *личное* деганда эга эмас, субъект кўзда тутилган).

Безличные гапларнинг сифатдошли шаклидаги қисқа сифатдош фақат страдательное (мажҳул) сифатдош шаклида бўлиб, белгиланувчи объект билан родда мослашади: мужской родда *-н*, женский родда *-на*, средний родда *-но*, кўплик сонда *-ны* қўшимчалари билан қўлланади (*Вопрос решён, задача решена, дело решено, вопросы решены*).

Масалан:

<i>выполненный план</i>	—	<i>план выполнен</i>
<i>выполненная работа</i>	—	<i>работа выполнена</i>
<i>выполненное дело</i>	—	<i>дело выполнено</i>
<i>выполненные</i>	—	<i>обязательства выполнены</i>
<i>обязательства.</i>		

140-машқ. Намунага қараб, ўтган замон страдательное сифатдошларининг қисқарган шаклини ёзинг.

Намуна: *Закрытая дверь — дверь закрыта.*

Составленный план. Оформленные документы.

Обнародованное сообщение. Изданный приказ. Подписанное письмо. Перерытая дорога. Выстроенный дом. Вырученные деньги. Полученный доход. Неоплаченный счет.

141-машқ. Нуқталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйиб, сўз бирикмаларини тўлдириг.

Белье выстиран.. . Дело сделан.. . Обед съеден.. . Всё подготовлен.. . Мнение высказан.. . Факты собран.. . Нужно отобран... Учёные оповещен.. . Симпозиум подготовлен.. . Доклады просмотрен.. и отредактирован.. . Сборник заказан.., типография определен.. . Смета расходов составлен.. .

142-машқ. Қуйидаги сўз бирикмаларини рус тилига таржима қилинг.

Ҳамма нарса тайёр. Эълон берилган. Кун белгиланган. Соати аниқланган. Зал безатилган. Тарқатма материаллар чоп этилган. Блокнот ва ручкалар сотиб олинган. Ҳовли тозаланган. Гуллар сугорилган. Кондиционерлар ёқиб қўйилган.

Қисқарган сифатдошли **эгасиз (безличные)** гапларни қисқарган сифатли **назывные** (фақат эгадан иборат) гаплардан фарқлаш зарур. Бундай гаплардаги қисқарган сифатлар предикат (кесим) вазифасини бажаради. Улар қисқа сифатдошларга ўхшаб ясалади, яъни қўшимча олиб ташланиб, женский родга **-а** қўшимчаси, средний родга **-о** қўшимчаси, кўплика, (**-и**, (**-ы**) қўшимчаси қўшилади. *Хороший проект – проект хорош, краткий доклад – доклад краток, смелый руководитель – руководитель смел, хорошая девушка – девушка хороша, краткое выступление – выступление кратко, красивые места – места красивы, хорошие дома – дома хороши.*

Мисоллардан кўриниб турганидек, қисқа сифатлар фақат хусусиятни белгиловчи тўла сифатлардан ясалади, гапда кесим вазифасида келади.

143-машқ. Намунага қараб, тўла шаклдаги сифатларни қисқа шакли билан алмаштиринг.

Намуна: *Хороший парень — парень хорош.*

Длинные волосы. Высокий рост. Широкая дорога. Полноводная река. Раскидистое дерево. Многолюдная улица. Интересная картина. Красивая девушка. Крикливый ребёнок. Добрый человек. Глубокий колодец. Удобная обувь.

144-машқ. Байрамга тайёргарлик бўйича ишлар рўйхатини тузинг. Бунда қисқа сифатдошли бирикмаларни қўлланг.

Юқорида кўриб чиқилган тўла ва қисқа сифатли ҳамда сифатдошли гаплар асосан расмий, илмий ва публицистик, қисман бадий услубда қўлланади, чунки бу бирикмалар ёрдамида ифодаланган фикр қисқа ва лўнда бўлиши керак.

Неопределенно-личные предложения (эгаси ноаниқ гаплар) қаторига *надо, нужно, необходимо, следует* каби ёрдамчи сўз ва феълнинг ноаниқ шакли (инфинитив)дан иборат мураккаб кесимли гаплар киради. Масалан: *нужно выполнить, необходимо помнить, надо начать, следует знать* ва ҳ.к.

Бундай қўшма феъллар қаторига, шунингдек, 1-қисми - *ся(сь)* қўшимчали ҳозирги замон феълдан, иккинчи қисми эса феълнинг ноаниқ шаклидан иборат қўшма феълли гаплар ҳам киради. Масалан: *хочется уйти, не разрешается курить, запрещается входить* ва ҳ.к.

145-машқ. Қуйидаги сўз бирикмаларини намунага қараб ўзгартиринг.

Намуна: *Нельзя гулять — не хочется гулять. Можно заниматься — нельзя заниматься. Можно купаться — не разрешается купаться.*

Нельзя — не разрешается.

Нельзя курить, нельзя входить, не следует купаться, нельзя трогать, нельзя изменить.

Можно играть, можно смотреть, можно есть, можно пить, стоит много говорить, стоит встречаться, надо решать задачу.

Кўриниб турганидек, юқоридаги каби турдаги гапларда муайян шахс-сондаги феъллар қўлланса-да, аммо ҳаракатнинг бажарувчиси умумлашган ёки бажарувчиси — ҳамма, чунки бу ҳаракат ҳаммага тааллуқлидир.

Обобщённо-личные предложения (эгаси) субъекти умумлашган гаплардаги ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи феъллар шакллари қуйидагича бўлади:

1) ҳозирги замоннинг 2-шахс бирлик сон шакли:

Сделал дело — гуляй смело. Семь раз отмерь — один раз отрежь. Поспешишь — людей насмешишь;

2) ҳозирги замоннинг 3-шахс кўплик сон шакли:

Цыплят по осени считают. Дарённому коню в зубы не смотрят.

Бундай шаклдаги гаплар кўпинча мақол, матал ва афоризмларда қўлланади.

146-машқ. Нуқталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйиб, мақолларни тўлдиринг.

1. Что посе.., то и пожн.. . Молч.. — за умного сойд.. . С кем повед.. ся, от того и набер.. ся. По.. — сыт буд.., нап..ся — пьян буд.. Не копьём побива.., а умом. Коли дома не пек.., так и в людях не дад.. . По одежке встреча.. — по уму провожа.. . Клин клином вышиба.. .

Кириш сўзлари (Вводные слова)

Сўзловчининг баён этилаётган предмет, шахс, воқеа-ҳодисага муносабатини ифодалашда рус тилида, ўзбек тилидагидек, кириш сўзлари қўлланади.

Бу сўзлар маълум даражада фикрни яқунловчи, фикр тартибини белгиловчи, фикрни бир-бирига боғловчи восита бўлиб хизмат қилади. Бажарадиган вазифаларига кўра кириш сўзларининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Фикрнинг манбаини ифодаловчи: *Известно, что ... (маълумки), знаем, что ... (биламизки), говорят, что ... (айтадиларки).*

2. Фикр тартибини белгиловчи, матн қисмларини бир-бирига боғловчи:

во-первых (биринчидан)

во-вторых (иккинчидан)

в-третьих (учинчидан)

наряду с этим, вместе с тем (шу билан бирга)

наконец (ниҳоят)

в конце-концов (ниҳоят).

3. Фикрни тасдиқловчи, унинг тўғрилигини изоҳловчи:

конечно (албатта)

действительно (дарҳақиқат)

безусловно (тўғри)

бесспорно (шак-шубҳасиз)

достоверно (аниқ)

однозначно, несомненно, вне всяких сомнений (шубҳасиз, албатта, муқаррар)

правда, (тўғри...).

4. Фикрга эътироз билдирувчи:

Не могу согласиться с вами (фикрингизга қўшилолмаман)

Всё это верно, однако (тўғри, аммо)

Однако (лекин)

Вместе с этим следует сказать, что... (шу билан бирга айтиш лозимки)

Я бы так не сказал (мен бошқача фикрдаман).

5. Фикрга эмоционал жавоб:

Неужели? (наҳотки?)

Наконец-то! (ниҳоят!)

Неужели правда? (наҳотки шу тўғри бўлса?)

К нашему счастью (бахтимизга)

К несчастью (бахтга қарши)
Кажется, что (шекилли)
Хочется верить, что (ишонаманки).
6. Фикрни яқунлаш, хулоса қилиш:
Итак (шундай қилиб)
Отсюда следует вывод (бундан шундай хулоса чиқади)
Можно сделать вывод, что... (хулоса қилиш мумкинки)
Из всего сказанного следует, (хулоса қилиб айтиш мумкинки)
Вывод такой, (хулоса шуки...).

Қўшма гаплар (Сложные предложения)

Ўзбек тилидаги каби, рус тилида ҳам бир фикрни ҳам содда гап, ҳам қўшма гап тарзида ифодалаш мумкин.

После дождя выглянуло солнце. – Дождь прекратился, и выглянуло солнце. – Когда дождь прекратился, выглянуло солнце.

Юқоридаги гапларнинг иккинчи ва учинчиси қўшма гап тарзида ифодаланган. Иккинчи гап – **сложносочинённое** (боғланган қўшма) гап шаклида, учинчи мисолда эса айни шу фикр эргашган қўшма (сложноподчинённое) гап тарзида ифодаланган.

Сложносочинённое (боғланган қўшма) гапдаги содда гапларнинг ҳар бири мустақил бўлиб, бири иккинчисиз қўллана олади.

Бу турдаги гаплар рус тилида, ўзбек тилидагидек, боғловчисиз (*Дождь прекратился, выглянуло солнце*) ёки *и, да, или, или-или, то-то, не то-не то, также, но, а, однако* каби тенг боғловчилар ёрдамида бирикиши мумкин: *Дождь прекратился, и выглянуло солнце. Дождь прекратился, но солнца ещё нет.*

Э с л а т м а: Рус тилида, ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, *и* боғловчиси ёрдамида бириккан гаплар ҳам бир-биридан вергул билан ажратилади.

Бошқа жиҳатлари билан рус тилидаги қўшма гаплар ўзбек тилидаги қўшма гаплардан фарқланмайди.

Сложноподчинённые (эргашган қўшма) гапларнинг рус тилидаги турлари ўзбек тилидаги турларига мос келади. Яъни рус тилида эргаш гапларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Определительное (аниқловчи эргаш гап).
2. Изъяснительное (изоҳловчи эргаш гап).
3. Обстоятельственные (ҳол эргаш гаплар).

Обстоятельственные эргаш гаплар қаторига, ўзбек тилидагидек, пайт, ўрин, миқдор ва даража, сабаб ва натижа, равиш, мақсад, шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар киради.

Фақат определительное придаточное предложение бош гапдаги эга ёки тўлдирувчини аниқлайди. Қолган барча турдаги эргаш гаплар эса кесимни изоҳлаб, ундан келиб чиқадиган *кто? что? когда? где? почему? как?* каби саволларга жавоб бўлади.

Определительное придаточное предложение (Аниқловчи эргаш гап)

Бу турдаги эргаш гап бош гап таркибига кирувчи эга ёки тўлдирувчи бўлган от ёки олмош туркумидаги сўзни аниқлаб келади. Масалан:

Это человек, который не знает русского языка. Мы встретили взрослого парня, который не знал русского языка.

Встретился с человеком, который не знает русского языка.

Аниқловчи эргаш гапдаги *который* боғловчиси *человек, человека, с человеком* сўзларини аниқлаб келиб, у билан фақат род ва сонда мослашади.

Масалан: *Мы встретились с девушкой, которая не*

знает русского языка. Встретились с людьми, которые не знают русского языка.

Бунда аниқланаётган сўзнинг падежи бош гапдаги кесимдан келиб чиқадиган саволга боғлиқ:

Это кто? (им. падеж), встретили кого? (винит. падеж), встретились с кем? (твор. падеж). ва ҳ.к.

Аммо бу турдаги гапларнинг қўллашдаги мураккаблик шундан иборатки, турли ҳолларда *который* боғловчиси ҳам турли падежда бўлиши мумкин. Унинг қайси падежда қўлланиши эргаш гапдаги кесимдан келиб чиққан саволга боғлиқ. Масалан:

*Мы встретили
человека,*

которого искали.

к которому шли.

*с которым говорили по
телефону.*

о котором писали газеты.

Бу ерда *который* боғловчининг роди ва сони бир хил бўлса ҳам, биринчи гапдаги кесимдан *кого?* саволи келиб чиқиб, у винительный падежда, 2-гапдан *к кому?* саволи келиб чиқиб, дательный падежда, 3-мисолда *с кем?* саволи келиб чиқиб, творительный падежда, 4-мисолда *о ком?* саволи келиб чиқиб, предложный падежда қўлланган.

Худди шу гаплар сифатдошли бирикмалар билан алмашганда сифатдошнинг падежи кесимдан сифатдошга келиб тушган саволга қараб қўлланади, яъни сифатдош аниқловчи сўз билан ҳам род, ҳам падеж, ҳам сонда мослашади. Масалан:

Мы встретили человека, не знающего русского языка.

Встретились с человеком, не знающим русского языка.

Мы говорили о человеке, не знающем русского языка.

Ушбу қоидаларни билган ҳолда деярли барча сифатдошли бирикмаларнинг ҳаммасининг падеж, род ва сон қўшимчаларини тўғри танлаб, аниқловчи эргаш гап билан алмаштирса бўлади. Масалан:

- *Вы хотите получить книгу, выпущенную недавно?*
- *Вы хотите получить книгу, которую выпустили недавно?*

Мы встретились со специалистом, способным решить все ваши проблемы. Мы встретились со специалистом, который может решить все ваши проблемы.

147-машқ. Қуйидаги сифатдошли гапларни аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларга алмаштиринг.

Намуна: *Занятия, начинающиеся в 2 часа. – Занятия, которые начинаются в 2 часа.*

Работа, начавшаяся вчера. Дела, занимающие много времени. Работа, начинающаяся завтра. Вопрос, обсуждавшийся на собрании. Вопрос, обсуждающийся на собрании.

Сифатдошли сўз бирикмасини аниқловчи эргаш гапга алмаштириш мумкин, аммо ҳамма эргаш гапларни ҳам сифатдошли бирикмага алмаштириш мумкин эмас. Бундай алмаштириш фақат 2 ҳолда мумкин:

1. Агар эргаш гапнинг субъекти билан бош гапнинг субъекти бир сўз бўлса;

- *Дерево, которое растёт у дома.*
- *Дерево, растущее у дома.*

Бунда сифатдошнинг действительный шакли қўлланади.

2. Агар бош гапдаги субъект, эргаш гапда объект бўлса, бу ҳолда сифатдошнинг страдательный шакли қўлланади:

- *Дерево, которое срубили вчера.*
- *Дерево, срубленное вчера.*

Бошқа барча ҳолларда эргаш гапли қўшма гап ўрнига сифатдош билан мураккаблашган гапни қўллаб бўлмайди. Шунинг учун бошқа ҳолларда нутқда аниқловчи эргаш гапли қўшма гап қўлланади.

Дерево,

*под которым остановились путники
у которого крупные листья
к которому слетаются все птицы
о котором сложены легенды*

*возле которого протекала речка
за которым начинаются поля.*

148-машқ. Куйидаги сифатдошли бирикмаларни аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларга алмаштиринг.

Дело, начинающееся завтра. Путь, пройденный за день. Расстояние, пройденное за день. Дела, переделанные нами за день. Дорога, кончающаяся у моря. Солнце, выглянувшее из-за горизонта. Луна, появившаяся из-за горизонта.

149-машқ. Куйидаги гаплардаги сўзларда тушириб қолдирилган қўшимчаларни аниқлаб, нуқталар ўрнига қўйинг.

Следует заранее ознакомиться с повесткой дня собрания, намечен.. на завтра. К собранию, намечен.. на завтра, нужно серьёзно подготовиться. Перед собранием, намечен.. на завтра, следует прийти к единому решению. О собрании, намечен.. на завтра, будут писать в газетах.

150-машқ. Чап устунда берилган бош гапга, ўнг устунда берилган эргаш гапларни қўшиб, қўшма гаплар тузиб, боғловчини керакли шаклда қўлланг.

Висит картина,	написал молодой	художник
Мы видели картину,	удивила всех зрителей	
Подожли к картине,	написали в журнале	
Стояли перед картиной,	художник выставил	впервые
Читали о картине,	все были в восторге	
Висела картина,	подожли сразу все.	

151-машқ. Куйидаги аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг ичидан сифатдошли гапга алмаштириш мумкин бўлганларини топиб, уларни алмаштиринг.

Работу отдали человеку, который был не знаком с сутью вопроса. Дело завершилось судом, на заседании которого приняли неверное решение. Договор заключен с людьми, о которых никто ничего не знает. Надо

посоветоваться с юристом, который хорошо знает нужные законы. Бросать на ветер деньги, которые заработали с трудом, никто не хочет. Деньги, источником которых являются нетрудовые доходы.

152-машқ. Нуқталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйиб, гапларни тўлдилинг.

Нам говорили о контракт.., заключённ.. год назад. Нам говорили о контракт.., котор.. мы заключили год назад. Семинар, на котор.. я должен был сделать доклад, не состоялся. Специалист, не знаком.. с возможными последствиями дела, завалит его. Они были не согласны с решени.., принят.. по данному вопросу. Все, сделан.. им, пошло нам во вред.

Нутқда ҳар бир гапнинг бир неча муқобили, ҳар бир фикрни ифодалашнинг бир неча усули бор. Шундай экан, сифатдошли бирикмага ўгирилмайдиган аниқловчи эргаш гапли қўшма гап ҳам содда гапнинг муқобили бўлиши мумкин. Бу муқобил гапларда эргаш гап ўрнига сўзларнинг келишик шакллари кўмакчилар билан бирга қўлланади.

Масалан: *Договор с партнёром, с которым мы знакомы, уже заключён. — Договор со знакомым партнёром уже заключён.*

Меня познакомили сегодня с человеком, которого хорошо знает твой брат. Меня познакомили со знакомым твоему брату человеком.

Умуман, эргашган қўшма гап фикрни аниқроқ, содда гап эса қисқароқ ифодалаш учун қўлланади. Расмий ва илмий услубда фикрни иложи борича қисқа ва лўнда ифодалаш керак бўлгани учун аниқловчи эргаш гапли қўшма гап эмас, кўпроқ сифатдошли мураккаблашган гап қўлланади. Содда гапнинг ҳар бир қисмини, жумладан, эга, тўлдирувчи ёки ҳолни эргаш гап билан алмаштириш мумкин.

Изъяснительное придаточное предложение

(Изоҳловчи эргаш гап)

Изоҳловчи эргаш гапли қўшма гап бош гапдаги кесим вазифасини бажарувчи феълни изоҳлаш учун қўлланади.

Я принёс то,

*что ты искал
чего у тебя не было
чему ты обрадуешься
что ты любишь
за чем тебя послали
о чём ты просил.*

Изоҳловчи эргаш гап қўшма гапнинг бош гап қисмида жонсиз нарса изоҳланганда **то** кўрсатиш олмоши, жонли мавжудот изоҳланганда эса, изоҳланувчининг сон ва родига қараб, *тот, та, то, те* олмошлари ва уларнинг қуйидаги келишик шакллари қўлланади. Бу олмошларнинг келишик шакли бош гапнинг кесимидан келиб чиққан саволга боғлиқ. Масалан:

<i>Им.</i>	<i>Кто? – тот, та, то, те</i>
<i>Род.</i>	<i>Кого? – того, той, того, тех</i>
<i>Дат.</i>	<i>Кому? – тому, той, тому, тем</i>
<i>Вин.</i>	<i>Кого? – того, ту, то, тех</i>
<i>Твор.</i>	<i>Кем? – тем, той, тем, теми</i>
<i>Пред.</i>	<i>О ком? – о том, о той, о том, о тех.</i>

Эргаш гапда боғловчи сифатида **что** ёки бу гапдаги кесимдан келиб чиққан савол қўлланади. Масалан:

*Мы говорим
о том,*

*что сегодня будет собрание
кого пригласить на собрание
кто будет делать доклад
на собраниях
какие вопросы будут
обсуждаться на собраниях
где состоится собрание
с кем согласован вопрос
о собраниях.*

153-машқ. Нуқталар ўрнига боғловчи сифатида қўлланадиган саволни қўйиб, гапларни тўлдилинг.

Тот, ... руководит большим коллективом, должен быть вежливым. Тот, ... этой черты характера нет, не должен быть руководителем. Тот, ... доверяются судьбы людей, должен думать не только о себе. Тот, ... люди не уважают, не может руководить. Руководителем должен быть тот, ... много знает. Тот, ... люди мало знают, не должен быть руководителем.

154-машқ. Юқоридаги барча мисолларни *тот* сўзи ўрнига аввал *та*, сўнгра *те* олмоши билан алмаштириб ёзинг.

155-машқ. Қавс ичидаги олмошни керакли шаклда қўллаб, гапларни ёзинг.

Мы собираемся встретиться с (те), кто отвечает за подготовку вечера. О (те), кто к нам едет, мы ничего не знаем. С (те), кто к нам едет, переговоры вели другие. (Те), кто к нам едет, уже была отправлена телеграмма. Среди (те), кто к нам едет, нет ни одного знакомого. Для (те), кто едет к нам, уже заказаны места в гостинице.

156-машқ. Юқоридаги машқда қўлланган *те* олмоши ўрнига *тот* ва *та* олмошларни қўйиб, гапларни ўзгартириб ёзинг.

157-машқ. Қуйидаги қўшма гапларнинг давоми бўлган эргаш гапларнинг 2–3 вариантыни ёзинг.

Вчера мы встретились с той, Нельзя дружить с теми, кто Следует уважать тех,

158-машқ. Қуйидаги гапларни рус тилига изоҳловчи эргаш гапли қўшма гап шаклида таржима қилинг.

Бугун келадиганларни кутиб олиш керак. Бугун келадиганлар ҳақида ҳеч нарса билмайман. Бугун келадиганларни ҳеч ким танимас экан. Бугун келадиганлар билан шуғулланиш кимга топширилганини билмаймиз. Бу ишни бажараётганлар жуда катта билимга эга бўлиши керак.

Изоҳловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг бош гап қисмидаги *то, тот, та* каби олмошлар кўп ҳолларда қўлланмай, тушиб қолиши мумкин. Масалан:

Нам сообщили, что сегодня будет собрание.

Бу гапдаги *о том* сўзи тушиб қолган, лекин мазмуни сақланиб қолган. Бу гаплардаги тушиб қоладиган олмош *то* олмошининг кесимдан келиб чиққан саволларга жавоб бўлган шакллари дир (что? -то, для чего? -для того, о чём? -о том, зачем? -за тем ва ҳоказо): *Мы помним, что будет собрание* (бу ерда *о том* олмоши тушиб қолган).

Изоҳловчи эргаш гапли қўшма гапларнинг кўпи *что* ва *чтобы* боғловчилари ёрдамида бош гапнинг кесимдан келиб чиққан савол орқали ифодаланган фикрни изоҳлаб беради. Эргаш гапдаги кесим буйруқ, хоҳиш-истак ёки илтимос маъносини ифодаласа, *что* ўрнига *чтобы* боғловчиси қўлланиб, феъл ўтган замон шаклида бўлади. Масалан:

Мы знали, что будет собрание.

Нам сказали, чтобы на собрание пришли все.

Нас попросили, чтобы мы пришли на собрание.

159-машқ. Куйидаги гапларда нуқталар ўрнига *что* ёки *чтобы* боғловчиларидан мосини қўйиб, гапларни тўлдилинг.

Говорят, ... главное в жизни — это здоровье. Родители просят детей, ... они занимались для этого утренней зарядкой. Передайте всем, ... в четверг будет репетиция. Скажите, ... это будет подготовка к празднику. Попросите, ... вам принесли приготовленные костюмы. Хотим, ... была хорошая погода.

Ушбу тарздаги эргаш гап шакли рус тилида **косвенная речь** (ўзлаштирма гап)да қўлланади. Бунда ўзлаштирма гапда қўлланадиган боғловчи кўчирма гапнинг мазмуни ва гап оҳангига қараб танланади. Масалан:

кўчирма гап

ўзлаштирма гап

*Врач сказал: «Нужно
делать физзарядку».*

*Врач сказал: «Делайте
каждый день
физзарядку».*

*«Начинайте
тренировку!» —
сказал тренер.*

*Врач сказал, что нужно
делать физзарядку.*

*Врач сказал,
чтобы я каждый день
делал физзарядку.*

*Тренер сказал, чтобы мы
начали тренировку.*

Кўчирма гапнинг ўрнига нутқда ўзлаштира гап қўлланганда, яъни бошқа кишининг гапини ўз номидан етказганда, юқоридаги мисолдагидек, эргаш гапдаги изоҳда шахс олмоши ва унга монанд фёълнинг шахс-сон шакли ҳам ўзгаради. Масалан:

кўчирма гап

*«Расскажите мне о
себе», — попросила
девушка его.*

*«Что-то мне
нездоровится», —
сказал этот человек.*

ўзлаштира гап

*Девушка попросила, чтобы
он рассказал о себе.*

*Этот человек сказал,
что ему что-то
нездоровится.*

160-машқ. Кўчирма гапдаги шахс-сон шаклига қараб, ўзлаштира гапда қўлланадиган боғловчи, олмош ва фёълнинг шахс-сон шаклини нуқталар ўрнини улар билан тўлдирилинг.

кўчирма гап

*Руководитель кружка
сказал: «Начните
подготовку к выставке».*

*«Если ты не хочешь,
можешь остаться», —
сказал отец мне.*

ўзлаштира гап

*Руководитель кружка
сказал, начали
подготовку к выставке.*

*Отец сказал, ... если я
не хочу идти, могу остаться.*

«Немедленно верните мне мои документы», — сказала девушка. Девушка сказала, немедленно вернули документы.

«Не мешайте мне работать, я и так устала», — сказала женщина. Женщина сказала, не мешали работать, ... она и так устала.

161-машқ. Берилган кўчирма гапларни ўзлаштирмаганларга айлантинг.

«Если вам надо обязательно встретиться с директором, вам придётся подождать минут 40 — сказала секретарь, — сейчас идет собрание». «Забудьте все ваши обиды, — сказал он, — нельзя быть злопамятным». «Продолжайте работать, если вы уверены в успехе», — сказал руководитель. «Будьте уверены, — сказал я ему, — я всё прочитал».

Маълумки, мулоқот жараёнида суҳбатдошга унинг ҳаракат тарзига қараб, *кто? с кем? когда? где? куда? откуда? как? какой?* саволлардан бир нечтаси берилиши мумкин.

Мулоқот мазмунини ўз сўзи билан, ўз номидан кўчирма гап шаклда гапириб беришда ушбу саволлар изоҳловчи эргаш гапнинг боғловчиси бўлиб хизмат қилади. Масалан:

<i>«Когда и куда ты отправляешься?» — спросил меня отец.</i>	<i>Отец спросил меня, когда и куда я отправляюсь.</i>
<i>«Сколько сумов я тебе должен? Сегодня всё отдам», — сказал он мне.</i>	<i>Он спросил сколько он мне должен, сказал, что сегодня всё отдаст.</i>

Шундай экан, «нам сообщили о совещании» деган хабарни ойдинлаштириш учун, бу хабар ҳақида қўшимча маълумот беришда қуйидаги изоҳловчи эргаш гаплар

қўлланиши мумкин.

Нам сообзили,

*почему проводится совещание.
кто будет проводить совещание.
как оно будет проводиться.
где будет проводиться совещание.
какие вопросы будут обсуждаться
на совещании.
сколько времени будет проводиться
совещание.*

162-машқ. Қуйидаги эргаш гаплардаги нуқталар ўрнига керакли боғловчини қўйиб, гапларни ёзинг.

Узнайте,
пожалуйста,

... они переговорили.
... был разговор.
... была встреча.
... она состоялась.
... человек в ней участвовало.
... результаты будут от встречи.
... все пойдут после встречи.

163-машқ. Нуқталар ўрнига керакли боғловчиларни қўйиб, гапларни тўлдилинг.

Меня спросили,

... мои родители.
... я родился.
... этот город.
... я учился.
... я ещё занимался.
... поступил после школы.

164-машқ. Юқоридаги берилган саволларга ўзингиз ҳақидаги маълумотни қўшиб, гапларни кўчирма гап шаклида ёзинг.

Изоҳловчи эргаш гапнинг бу хусусияти, яъни унда барча саволлардан боғловчи сифатида фойдаланиш мумкинлиги изоҳловчи эргаш гаплар билан айтилган бир хил боғловчили бошқа турдаги эргаш гаплардан фарқлаш кераклигини тақозо этади.

Масалан, бу турдаги эргаш гапни **когда** боғловчили пайт эргаш гап, **где, куда, откуда** боғловчили ўрин-жой эргаш гап ёки **как, сколько** боғловчили тарз эргаш гапларда қўлланган боғловчилар изоҳловчи эргаш гапда ҳам қўлланиши мумкин (**который** боғловчили аниқловчи эргаш гаплар бундан истисно).

Уларни фарқлаш учун шуни эслаб қолиш керакки, изоҳловчи эргаш гапда бош гапнинг кесимидан **что? кто? куда? кому? чему?** каби саволлар келиб чиқади. Бошқа турдаги эргаш гапларнинг кесимидан эса айтилган боғловчи бўлиб ҳизмат қилган **когда? где? куда? откуда?** каби саволлар келиб чиқади.

Масалан:

Нам сказали (что?), где расположен этот дом.
(изоҳловчи эргаш гап)

Мы били (где?), там, где расположен этот эдом.
(ўрин-жой эргаш гап)

Мы узнали (о чём?), когда это случилось.
(изоҳловчи эргаш гап)

Там никого не было (когда?), когда это случилось.
(пайт эргаш гап).

Бундан ташқари, изоҳловчи эргаш гапли қўшма гапда *тот, та, то, те* кўрсаткич олмошлари қўлланса, бошқа турдаги эргаш гапларда олмошларнинг *такой, так, столько* каби саволларга мувофиқ бошқа шакллари қўлланади.

Придаточное предложение времени

(Пайт эргаш гап)

Пайт эргаш гапли кўшма гапдаги эргаш гап содда гапдаги пайт ҳолининг муқобили бўлиб, бош гапдаги кесимдан келиб чиққан *когда? как долго? с каких пор? до каких пор?* саволларига берилган батафсил, кенгайтирилган жавобдир. Масалан:

- Когда ты придёшь?
- После собрания. – Когда закончится собрание.
- До каких пор вы будете держать документы?
- До выяснения всех фактов. – До тех пор, пока не выяснятся все факты.

Бунда юқоридаги саволларга мос қуйидаги боғловчилар қўлланади: *когда, до тех пор пока, как только, с тех пор как, пока, до того как, после того как.*

165-машқ. Нуқталар ўрнига бош гапдаги кесимдан келиб чиққан саволга мос бўлган олмош, эргаш гапга эса керакли боғловчи қўйиб, гапларни тўлдилинг.

- До каких пор ты останешься здесь?
- Я останусь здесь ..., ... все не вернутся.
- Когда ты собираешься поехать в горы?
- Я собираюсь поехать в горы ..., ... мне дадут отпуск.
- Когда ты пойдёшь к врачу?
- Я пойду к врачу ..., ... будет принимать мой врач.
- С какого времени потеряна связь с самолётом?
- С самолётом потеряна связь ..., ... было сообщение о буре.

166-машқ. Намунага қараб, содда гапни пайт эргаш гапли кўшма гапга айлантинг.

Намуна: *Во время бури связь была прервана. – Когда (как только) началась буря, связь прервалась.*

Гости ушли после твоего звонка. Во время обеда гости ещё были здесь. Они ждали твоего звонка. Найти меня вы можете только после начала учебного года. Заседание

Учёного совета будет после первого квартала. До заседания Учёного совета он должен выпустить автореферат. При встрече с научным руководителем он должен дать ему в руки автореферат.

Фикрни расмий, илмий ва қисман публицистик усулда ифодалашда тингланган ёки ёзилган матндаги пайт эргаш гапли жумлаларни уларга муқобил бўлган содда гап билан алмаштириш керак бўлади. Бунда пайт эргаш гап ўрнига тегишли келишиқдаги сўз бирикмаси кўмакчилар билан қўлланади.

Когда закончился доклад, я ушёл с собрания. — После доклада я ушёл с собрания. Когда слушал доклад, я записывал некоторые факты в блокнот. — Во время доклада я записывал все факты в блокнот.

Пайтни ифодалашдаги содда гапларда сўзларнинг келишиқли шакли билан бир қаторда равишдошли шакли ҳам қўлланади.

Бунда *после того как* боғловчили эргаш гап совершенный виддаги равишдош билан, *до того как* ва *пока не* боғловчили эргаш гап несовершенный вид *ещё не* юкламаси қўшилган равишдошли бирикмага муқобилдир. Масалан:

Еще не составив план, он должен встретиться с другом. — До того как составить план, он должен встретиться с другом. После того как он составил план, приступил к работе. — Составив план, он приступил к работе.

Эргаш гапда феълнинг қайси види қўлланган бўлса, равишдош ҳам шу видда бўлади.

Пайт ҳолининг деепричастный оборотли шакли ҳам, содда гапдаги пайт ҳоли каби, расмий, илмий-публицистик услубларда қўлланади.

167-машқ. Куйидаги пайт эргаш гапли кўшма гапларни равишдошли гапларга айлантинринг.

Намуна: *Когда он встречался со мной, очень много говорил.*

– *Встречаясь со мной, он очень много говорил. Когда встретились в этот раз, он почему-то молчал. Встретившись со мной в этот раз, он почему-то молчал.*

